

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

6-сон
(870)
2019 йил
11 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

94. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 февралдаги ўРҚ–518-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

95. «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5646-сон Фармони
96. «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5647-сон Фармони
97. «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПФ–5653-сон Фармони

98. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5059-сон Фармонига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ–5654-сон Фармони
99. «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ–5655-сон Фармони
100. «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ–5656-сон Фармони
101. «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4142-сон қарори
102. «Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4143-сон қарори
103. «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4146-сон қарори
104. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги ПҚ–4151-сон қарори [Кўчирма]
105. «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4159-сон қарори
106. «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон қарори
107. «2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ–4165-сон қарори

108. «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги ПҚ-4166-сон қарори
109. «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги ПҚ-4168-сон қарори

Бешинчи бўлим

110. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мх-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135*)
111. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 январдаги мх-186, 1-п, 01-02/15-79, 330-В-2-сон «Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549-2*)
112. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 2018-79-сон «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136*)
- Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 2 февралдан 8 февралгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

94 Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, бажариш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, шунингдек ушбу Қонунга ҳамда халқаро шартномаларнинг ўз қоидаларига мувофиқ тузилади, бажарилади, тугатилади ва уларнинг амал қилиши тўхтатиб турилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимида

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 7 февралда эълон қилинган.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳдлашувчи томон — халқаро шартноманинг мустақил томони сифатида иштирок этаётган ҳамда у кучга кирганлигидан ёки кирмаганлигидан қатъи назар, ушбу халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган давлат (давлатлар), халқаро ташкилот (халқаро ташкилотлар) ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект (бошқа субъектлар);

ваколатлар — битта шахснинг ёки бир нечта шахснинг Ўзбекистон Республикаси вакили бўлиш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг (мансабдор шахсининг) қарори асосида амалга оширилади ва музокараларда иштирок этаётган томонга ёки депозитарийга:

музокаралар олиб бориш ва халқаро шартноманинг матнини қабул қилиш ёки унинг аутентиклигини белгилаш;

халқаро шартномани имзолаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш;

халқаро шартномага тааллуқли бошқа ҳаракатни амалга ошириш мақсадида бериладиган ваколатлар тўғрисидаги гувоҳнома билан тегишли тарзда расмийлаштирилади;

давлат органи — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари га мувофиқ халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган Ўзбекистон Республикаси вазирлиги, давлат қўмитаси, шунингдек бошқа органи;

депонсация — Ўзбекистон Республикасининг ўзи тузган халқаро шартномани тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда рад этиши ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш усуллари дан бири;

депозитарий — халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ ушбу халқаро шартноманинг асл нусхаси ўзига сақлаш учун топшириладиган ва мазкур халқаро шартномага нисбатан ушбу халқаро шартномада ва халқаро ҳуқуқда назарда тутилган вазифаларни бажарадиган давлат, халқаро ташкилот ёки унинг бош ижрочи мансабдор шахси;

музокараларда иштирок этаётган томон — халқаро шартноманинг матнини тузиш ва қабул қилишда иштирок этаётган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномаларни тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

ратификация ёрлиги — халқаро шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан кўриб чиқилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ва халқаро шартноманинг Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий эканлигига бўлган розиликни ифодаловчи махсус ҳужжат;

халқаро ташкилот — ўзининг таъсис ҳужжати га мувофиқ халқаро хусусиятга эга муайян вазифаларни бажариш учун ташкил этилган ва халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиш ҳуқуқига эга бўлган давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилот;

халқаро шартнома иштирокчиси — халқаро шартноманинг муста-

қил томони сифатида иштирок этаётган, халқаро шартноманинг ўзи учун мажбурий эканлигига розилик билдирган ва ўзи учун халқаро шартнома кучга кирган давлат, халқаро ташкилот ва (ёки) халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси — битта ҳужжатдан, иккита ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир нечта ҳужжатдан иборат бўлишидан, шунингдек ўзининг муайян номидан ва тузилиш усулидан (шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ёки ноталар алмашинуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқача номлари ва тузилиш усуллари) қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси томонидан чет давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъект билан ёзма шаклда тузилган, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро келишув;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш — халқаро шартномани тузиш босқичи ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига бўлган розилигини, агар халқаро шартномада имзолаш шундай кучга эга эканлиги назарда тутилган бўлса ёки Ўзбекистон Республикасининг ва музокараларда иштирок этаётган бошқа томонларнинг имзолаш шундай кучга эга бўлиши кераклиги ҳақидаги келишуви бошқача тарзда белгиланган бўлса ёки имзолашга шундай куч бериш мақсади музокараларда иштирок этаётган томон вакилининг ваколатларидан келиб чиқса ёхуд музокаралар вақтида билдирилган бўлса, билдириш шакли;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш — халқаро шартноманинг мазмунини шакллантириш, унинг матнини қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдиришга доир тартиб-таомиллар кетма-кетлиги;

қўшимча шарт — Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномани имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки унга қўшилиш чоғида қилинган ҳар қандай таърифдаги ва ҳар қандай номдаги бир томонлама расмий ёзма баёноти бўлиб, у орқали халқаро шартнома муайян қоидаларининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан қўлланилиши борасида бу қоидаларни истисно қилиш ёки уларнинг юридик кучини ўзгартириш истаги ифодаланади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ва бошқа ахдлашувчи томоннинг тили Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тилидир.

Бошқа ахдлашувчи томон билан келишувга кўра ўзга тил Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тили деб танланиши мумкин. Халқаро шартноманинг матни қайси тилда тузилган бўлса, ўша тил мазкур шартноманинг матнида кўрсатилиб, матнда унинг аутентиклиги ва расмийлиги белгиланади.

6-модда. Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан ўзаро муносабатлар

Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа субъектлар билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уларни тугатиш масалалари бўйича ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш тартиби

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш ҳуқуқи давлатга тегишлидир.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қуйидагича тузилади:

Ўзбекистон Республикаси номидан — давлатлараро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан — ҳукуматлараро шартномалар;

давлат органлари номидан ўз ваколатлари доирасида — идоралараро шартномалар.

8-модда. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақидаги ташаббус таклифи

Давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш ҳақидаги ташаббус таклифи билан чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президентига экспертлар даражасида ишлаб чиқишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ташаббус таклифи киритиши мумкин.

Ташаббус таклифига қуйидаги материаллар давлат тилида ёки зарур ҳолларда, бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда илова қилинади:

халқаро шартноманинг дастлабки лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матни ёхуд уларнинг асосий қоидалари;

халқаро шартноманинг лойиҳасига ёки кўп томонлама халқаро шартномага қўшимча ҳужжатлар;
ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати.

9-модда. Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хати

Халқаро шартнома лойиҳасига ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалага доир тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномани тузиш мақсадга мувофиқлигининг ва амалий аҳамиятининг асосланиши, шу жумладан унинг тузилишидан кутилаётган натижалар тўғрисидаги батафсил ахборот ҳамда халқаро шартнома тузиш орқали тартибга солиш талаб этиладиган масалалар ҳақидаги маълумотлар;

халқаро шартнома тузилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши, қўшимча киритилиши ва (ёки) ўз кучини йўқотган деб топилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот;

зарур ҳолларда, халқаро шартнома тузиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий оқибатларнинг ёки бошқа оқибатларнинг баҳоланиши.

Тушунтириш хати халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан тайёрланади ва ушбу орган раҳбари томонидан (унинг йўқлигида — биринчи ўринбосари томонидан) имзоланади.

10-модда. Халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш

Экспертлар даражасида ишлаб чиқиш халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан манфаатдор давлат органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро шартнома лойиҳасини ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги борасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши.

Зарур ҳолларда, экспертлар даражасида ишлаб чиқиш давомида халқаро шартнома лойиҳасини тузиш ва кўриб чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун манфаатдор давлат органларининг вакиллари, мутахассислар ҳамда мустақил экспертлардан иборат бўлган идоралараро ишчи гуруҳ тузилиши мумкин.

Агар халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар икки ёки ундан ортиқ давлат органларининг ваколатига кирса, барча таклифларни умумлаштириш, халқаро шартнома лойиҳасини маромига етказиш ва унинг давлат тилидаги ёки зарур бўлган ҳолларда, бошқа тилдаги матнини тайёрлаш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани экспертлар даражасида ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган давлат органининг зиммасига юклатилади.

Экспертлар даражасида ишлаб чиқиш яқунларига кўра халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни ушбу Қонуннинг 11-моддасида назарда тутилган тартибда ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертиза ўтказилганидан сўнг халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Чет эл томони билан халқаро шартнома лойиҳасининг ёки кўп томонлама халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг иштирок этиши тўғрисидаги масаланинг кейинги ишлаб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижобий қарори олинганидан сўнг амалга оширилади.

Халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органининг раҳбари халқаро шартнома лойиҳасини тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама халқаро шартномада иштирок этиши масаласини экспертлар даражасида ишлаб чиқишнинг бутун жараёни учун жавобгар бўлади.

11-модда. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг ҳуқуқий экспертизаси

Халқаро шартноманинг лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартноманинг матни экспертлар даражасида ишлаб чиқилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ҳуқуқий экспертиза чоғида халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг:

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларга;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият соҳасидаги қонун ҳужжатларига;

юридик техника талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини расмийлаштириш амалиётига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қўйидагилар киритилади:

давлат тилидаги ёки зарур ҳолларда, бошқа тилдаги халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни;

ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати; манфаатдор давлат органлари билан экспертлар даражасида ишлаб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизаси натижалари қиёсий жадвал тарзида.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўриб чиқиладиган масала мавзусига оид бошқа зарур материалларни талаб қилиб олишга ҳақли.

12-модда. Халқаро шартнома лойиҳасининг ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матнининг бошқа турдаги экспертизаси

Халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни иқтисодий, молиявий, илмий, экологик, лингвистик, шунингдек бошқа турдаги экспертизадан ўтказилиши мумкин.

Экспертлар даражасида ишлаб чиқишда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар экспертлар сифатида жалб қилиниши мумкин.

Экспертларнинг хулосалари тавсия хусусиятига эга бўлади ва халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Бошқа турдаги экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор халқаро шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан ўз ташаббусига кўра ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига биноан қабул қилинади.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро шартнома тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Бошқа давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси

номидан халқаро шартнома тузиш ҳақидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга ёки у билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига такдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Бошқа давлат органлари ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан бирга ёки у билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномасини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ушбу шартнома билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органи томонидан киритилади.

Халқаро шартномани тузиш тўғрисидаги таклифга қўйидагилар илова қилинади:

халқаро шартнома лойиҳаси ёки Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлишни мақсад қилган кўп томонлама халқаро шартнома матни ёки уларнинг асосий қоидалари;

ушбу Қонуннинг 9-моддаси талабларига мос бўлган тушунтириш хати; тегишли давлат органларининг хулосалари;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ва Ташқи ишлар вазирлигининг ўзлари ўтказган ҳуқуқий экспертиза натижаларига доир хулосалари.

14-модда. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисидаги қарорлар

Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш тўғрисидаги қарорлар, агар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса:

Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентига томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузиладиган шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига томонидан;

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномаларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига билан келишилган ҳолда, ушбу шартномалар билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари раҳбарлари томонидан қабул қилинади.

15-модда. Музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш ваколатлари тўғрисидаги гувоҳнома

Музокаралар олиб бориш ва халқаро шартномаларни имзолаш ваколатлари ушбу Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ қабул қилинган қарорлар асосида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири томонидан ваколатлар тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш орқали тасдиқланади.

Ваколатлар тўғрисидаги гувоҳноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

16-модда. Ваколатларни кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолаш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат раҳбари сифатида халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради ҳамда халқаро ҳуқуққа ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан халқаро шартномаларни имзолайди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўз вазифаларига кўра ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ваколатхонаси бошлиғи ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот ёки конференция қошидаги ваколатхонаси бошлиғи халқаро шартнома матнини қабул қилиш мақсадида дипломатик ваколатхона жойлашган давлат билан ёки мазкур халқаро ташкилот, конференция доирасида ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ҳақли.

Давлат органининг раҳбари ўз ваколати доирасида ваколатларини кўрсатиш заруратисиз музокаралар олиб боришга ва идоралараро шартномаларни имзолашга ҳақли.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги халқаро шартномани имзолаш, ноталар, хатлар ёки халқаро шартномани ташкил этувчи бошқа ҳужжатлар алмашиш, халқаро шартномани ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш, унга қўшилиш орқали ёки ахдлашувчи томонлар келишиб олган бошқа ҳар қандай усулда билдирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ушбу Қонун талаб-

ларини ҳисобга олган ва халқаро шартнома қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилигини билдириш усулини аниқлайди.

18-модда. Ратификация қилинадиган халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқаро шартномани ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

Қуйидаги халқаро шартномалар ратификация қилинади:

давлатлараро муносабатларнинг асослари ҳақидаги ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича, тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар;

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқлардаги, халқаро ташкилотлардаги ва бошқа бирлашмалардаги иштироки тўғрисидаги;

бажарилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини талаб этадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган бўлса.

Қайси халқаро шартномаларни тузиш чоғида музокараларда иштирок этувчи томонлар келгусида уларни ратификация қилиш тўғрисида келишиб олган бўлса, ўша халқаро шартномалар худди шундай тарзда ратификация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари бошқа халқаро шартномаларни ҳам ратификация қилишга ҳақли.

Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисидаги халқаро шартномалар, шунингдек халқаро кафолат шартномалари ратификация қилинмайди ва Ўзбекистон Республикаси учун ахдлашувчи томонлар белгилайдиган тартибда кучга киради.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилади.

Халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мустақил равишда ёки, агар шартнома бошқа давлат органларининг ваколатига кирадиган масалаларга дахлдор бўлса, улар билан келишилган ҳолда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

20-модда. Ратификация ёрлиги

Халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қонунга асосан ратификация ёрлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланади, унинг муҳри ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг имзоси билан тасдиқланади.

Ратификация ёрлигининг шакли Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

21-модда. Ратификация ёрлиқларини алмашиш ва уларни сақлаш учун топшириш

Ратификация ёрлиқларини алмашиш ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги ёрлиқларни сақлаш учун депозитарийга топшириш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатик ваколатхонаси, консуллик муассасаси ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилот ҳузуридаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилади.

22-модда. Ратификация қилинмайдиган халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва қабул қилиш

Ратификация қилинмайдиган, лекин кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилиши назарда тутилмайдиган халқаро шартномаларни тасдиқлаш ва қабул қилиш:

Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузиладиган халқаро шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

идоралараро шартномаларга нисбатан — ўз номидан бундай шартномалар имзоланган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилиши

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларга қўшилиши тўғрисидаги қарор:

ратификация қилинадиган шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

қайси шартномалар ратификация қилинмаса ва уларга қўшилиш Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати но-

мидан амалга оширилса, ўша шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

идоралараро шартномаларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартноманинг ёки унинг қисмининг вақтинча қўлланилиши

Агар халқаро шартномада халқаро шартнома ёки халқаро шартноманинг бир қисми у кучга киргунига қадар Ўзбекистон Республикаси томонидан вақтинча қўлланилиши мумкинлиги назарда тутилган бўлса ёки ахдлашувчи томонлар ўртасида бу ҳақда келишувга эришилган бўлса, ушбу халқаро шартнома ёки унинг бир қисми Ўзбекистон Республикаси томонидан вақтинча қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномани ёки унинг бир қисмини вақтинча қўллаш тўғрисидаги ёхуд вақтинча қўллашни тугатиш ҳақидаги қарор халқаро шартномани имзолаш ҳақида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

25-модда. Халқаро шартномаларнинг кучга кириши

Халқаро шартномалар Ўзбекистон Республикаси учун ушбу Қонунга мувофиқ ҳамда халқаро шартномада назарда тутилган ёки ахдлашувчи томонлар ўртасида келишилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги билдирилганидан сўнг кучга киради.

26-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига доир қўшимча шартлар

Халқаро шартномаларни имзолаш, ратификация қилиш, тасдиқлаш, қабул қилиш ёки уларга қўшилиш чоғида шартнома шартларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда қўшимча шартлар қўйилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига доир қўшимча шартлар қандай тартибда қўйилган бўлса, худди шундай тартибда исталган вақтда олиб ташланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига бошқа ахдлашувчи томон қўйган қўшимча шартни қабул қилиш ёки унга қарши эътироз билдириш халқаро шартноманинг ўзидаги шартларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги тўғрисида қарор қабул қиладиган орган (мансабдор шахс) томонидан амалга оширилади.

27-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига Ўзбекистон

Республикаси халқаро шартномаларининг шартларига ҳамда халқаро ҳуқуққа мувофиқ уларнинг иштирокчилари ўртасидаги келишувга биноан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг халқаро шартномалар тузишга оид қисмидаги қоидалар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси учун халқаро шартномаларнинг ўзида назарда тутилган тартибда ва муддатларда ёки уларнинг иштирокчилари ўртасида келишиб олинган бошқа тарзда кучга киради.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар кучга кириши учун ушбу шартномалар шартларига ёки халқаро ҳуқуққа мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ўзи учун мажбурий эканлигига розилиги билдирилиши зарур бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бундай розилиги ушбу Қонуннинг 17-моддасида кўрсатилган усулларда ифодаланиши мумкин.

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини пролонгация қилиш (муддатини узайтириш)

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг ўзида белгиланган шартларга мувофиқ ёки уларнинг иштирокчилари ўртасидаги келишувга кўра пролонгация қилиниши (муддати узайтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини пролонгация қилиш (муддатини узайтириш) тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг ушбу халқаро шартномасини имзолаш тўғрисида қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

3-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини эълон қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини эълон қилиш

Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ҳамда бошқа манбаларда, шу жумладан тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари эълон қилинадиган расмий манбадир. Қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини эълон қилишнинг бошқа расмий манбалари ҳам белгиланиши мумкин.

Аутентик матнлари чет тилларда тузилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари давлат тилида эълон қилинади. Ўзбекистон Респуб-

ликасининг халқаро шартномалари бошқа тилларда ҳам эълон қилиниши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини халқаро ташкилотларда рўйхатдан ўтказиш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятида ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли органларида рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёки у билан келишилган ҳолда бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг рўйхатдан ўтказиладиган идоралараро шартномаларини тегишли халқаро ташкилотларда ушбу ташкилотларнинг амалдаги қоидаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш бундай шартномалар қайси давлат органларининг номидан тузилган бўлса, ўша давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри ва уларнинг сақланиши

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва уларнинг электрон нусхаларини сақлашнинг ягона давлат тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳақидаги, шу жумладан уларнинг реквизитларини ва ахборот-маълумотнома тусидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тасарруфида бўлади ва у Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда уларнинг асл нусхаларини ва депозитарий томонидан расман тасдиқланган нусхаларини сақлаш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилаётган халқаро шартномаларнинг асл нусхалари (тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари) улар имзоланган (депозитарийдан тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари олинган) кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига сақлаш учун топширилади, ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари эса, улар кучга кирган кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органларига ва бошқа ташкилотларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси идоралараро шартномаларининг асл нусхалари мазкур шартномалар қайси давлат органлари номидан тузилган бўлса, ўша давлат органларида сақланади, ушбу шартномаларнинг тасдиқланган

кўчирма нусхалари эса, улар имзоланган (депозитарийдан тасдиқланган кўчирма нусхалари, расмий таржималари олинган) кундан эътиборан икки ҳафталик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва бошқа манфаатдор давлат органларига юборилади.

32-модда. Депозитарий вазифаларини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги кўп томонлама халқаро шартномаларнинг депозитарийси вазифаларини, агар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ бундай вазифалар Ўзбекистон Республикасининг зиммасига юклатилган бўлса, амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама идоралараро шартномалари депозитарийсининг вазифалари, агар ушбу шартномалар шартларига мувофиқ бундай вазифалар Ўзбекистон Республикасининг зиммасига юклатилган бўлса, ушбу шартномалар қайси давлат органларининг номидан тузилган бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажаришга доир чора-тадбирлар

33-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини бажариш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ оғишмай ва мажбурий тарзда бажарилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатини қабул қилиш зарур бўлган ҳолларда, манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нормаларини имплементация қилиш масалалари бўйича тегишли ҳужжат қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда таклифлар тақдим этади.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларга риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини таъминлаш юзасидан амалий чоралар кўради ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши учун жавобгарлик ўз зиммасига юклатилган давлат органлари ва мансабдор шахсларни ўз ваколатлари доирасида белгилайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекис-

тон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилишини, бундай шартномалардан келиб чиқадиган, Ўзбекистон Республикасига тегишли бўлган ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бошқа иштирокчилари томонидан ўз мажбуриятлари бажарилишини кузатиб боради.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар икки ёки ундан ортиқ давлат органларининг ваколатларига кирса, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мувофиқлаштириш ўз зиммасига юклатиладиган давлат органини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга оширади.

35-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтириш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги тушунтириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ёзма шаклда берилади.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан мониторинг

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан мониторинг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини ягона тарзда ҳисобга олишнинг, инвентаризация қилишнинг ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг қилишнинг электрон маълумотлар базаси асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари ҳар йили 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг йил давомидаги бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ахборот юборади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат органларининг ахборотини ўрганиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилиши ҳолати самарадорлигига баҳо беради;

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини тегишли тарзда таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

хар йили 1 мартга қадар бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига умумлаштирилган ахборотни тегишли таклифлар билан киритади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бажарилиши юзасидан ўз ваколатлари доирасида мониторингни амалга оширади.

37-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ягона тарзда ҳисобга олишнинг, инвентаризация қилишнинг ва уларнинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг қилишнинг электрон маълумотлар базаси асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари ҳамда бошқа ахдлашувчи томонлар билан биргаликда шартномаларнинг ягона тарзда ҳисобга олинишини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини режали асосда инвентаризациядан ўтказди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тартибга солинадиган масалалар ўз ваколатига кирадиган давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклга мувофиқ ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг сўровномаси асосида икки ҳафталик муддат ичида тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини амал қилувчи ёки ўз кучини йўқотган деб топиш, уларни пролонгация қилиш (муддатини узайтириш) ва қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги манфаатдор давлат органларини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инвентаризация қилиш яқунлари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабардор қилади.

38-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилган тақдирда кўриладиган чоралар

Давлат органлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятлар унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузили-

ши ҳолати аниқланган пайтдан эътиборан бу ҳақда дархол Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилади. Зарур бўлган ҳолларда, бундай бузилишга олиб келган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг бошқа иштирокчилари билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича мажбуриятлар унинг бошқа иштирокчилари томонидан бузилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ёки бошқа манфаатдор давлат органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президентига халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳамда халқаро шартноманинг ўз шартларига мувофиқ зарур чоралар кўриш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси унинг бошқа иштирокчилари томонидан жиддий тарзда бузилган тақдирда, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган бошқа ҳолларда, бундай шартнома ушбу Қонуннинг 40 — 48-моддаларида белгиланган тартибда тугатилиши ёки унинг амал қилиши тўхтатиб турилиши мумкин.

**5-боб. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг
ҳақиқий эмаслиги, унинг амал қилишини тўхтатиб
туриш ёки уни тугатиш**

**39-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг
ҳақиқий эмаслиги**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши мумкин.

**40-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг
амал қилишини тўхтатиб туриш**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш бундай шартноманинг барча иштирокчиларига нисбатан ёки унинг айрим иштирокчисига нисбатан:

халқаро шартнома қоидаларига мувофиқ;

бошқа ахдлашувчи томонлар билан маслаҳатлашувларга кўра барча иштирокчиларнинг розилиги билан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

**41-модда. Шартномани тугатиш, денонсация қилиш ёхуд ундан
чиқиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлмаган Ўзбекистон
Республикаси халқаро шартномасини денонсация қилиш ёки ундан
чиқиш**

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлмаган ва уни денонсация қилишни ёки ундан

чиқишни назарда тутмайдиган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси, агар:

халқаро шартнома иштирокчилари денонсация қилиш ёки чиқиш имкониятини қолдириш ниятида бўлганлиги белгиланмаган бўлса;

халқаро шартнома ўз хусусиятига кўра уни денонсация қилиш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини назарда тутмаса, денонсация қилинмайди ва ундан чиқишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасини денонсация қилиш ёки ундан чиқиш нияти ҳақида қаида ўн икки ой аввал хабардор қилади.

42-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш ёки ундан чиқиш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини тугатиш ёки ундан чиқиш:

халқаро шартноманинг қоидаларига мувофиқ;

бошқа ахдлашувчи томонлар билан маслаҳатлашувларга кўра барча иштирокчиларнинг розилиги билан исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

43-модда. Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси тузилишидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси, агар унинг барча иштирокчилари худди шу масала бўйича кейинги шартномани тузган бўлса ва: мазкур масала Ўзбекистон Республикасининг кейинги шартномаси билан тартибга солиниши ушбу кейинги шартнома мазмунидан келиб чиқса ёки шундайлиги бошқача тарзда белгиланган бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси қоидалари Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномаси қоидаларига зид бўлса ва ҳар иккала шартномани бир вақтда қўллаш мумкин бўлмаса, тугатилган деб ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномаси иштирокчилари унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ниятида эканлиги Ўзбекистон Республикасининг кейинги халқаро шартномаси мазмунидан келиб чиқса ёки шундайлиги бошқача тарзда белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг илгариги халқаро шартномасининг амал қилиши фақат тўхтатиб турилган деб ҳисобланади.

44-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси жиддий тарзда бузилганлиги оқибатида унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг шартнома иштирокчиларидан бири томонидан жиддий тарзда бузилганлиги Ўзбекистон Респуб-

ликасига шартноманинг амал қилишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб туриш ёки уни тугатиш учун бундай бузилишни асос қилиб кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг жиддий бузилиши қуйидагилардан иборат:

халқаро ҳуқуқ нормаларида йўл қўйилмайдиган тарзда халқаро шартномадан воз кечиш;

шартнома объекти ва мақсадининг амалга оширилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қонданнинг бузилиши.

45-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар

Ўзбекистон Республикаси номидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мустақил равишда ёки бошқа давлат органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Бошқа давлат органлари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига киритади.

Ўзбекистон Республикаси идоралараро шартномаларининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги таклифлар шартнома ўз номидан тузилган давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

46-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор шартноманинг ўз шартларига ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини имзолаш ҳақидаги қарорни қабул қилган орган (мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

47-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан денонсация қилиш тўғрисидаги қарор

Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон

тон Республикаси Президенти томонидан киритилган қонун лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган қонун лойиҳаси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан қабул қилинади.

48-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тугатиш ёхуд денонсация қилиш тўғрисидаги қарор

Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини (бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ратификация қилинганлари мустасно) тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини (бундан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан ратификация қилинганлари мустасно) тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, алоҳида ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг идоралараро шартномаларини тугатиш ёхуд денонсация қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

49-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш оқибатлари

Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаси амал қилишининг тўхтатиб турилиши Ўзбекистон Республикасини ушбу шартноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат давомида уни бажариш мажбуриятидан озод қилади.

Агар шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг тугатилиши ёки денонсация қилиниши Ўзбекистон Республикасини ушбу халқаро шартномани бажариш мажбуриятидан озод қилади ҳамда шартнома тугатилгунига қадар уни бажариш натижасида юзага келган Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ёки юридик ҳолатига таъсир қилмайди.

50-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги расмий хабарлар

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш, уни тугатиш ёки денонсация қилиш тўғрисидаги расмий хабарлар ушбу Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган тартибда эълон қилинади.

51-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларига нисбати

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлари юридик мажбурият юкловчи қоидаларни ўз ичига олмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак. Бунда шундай халқаро ҳужжатларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳавола қилишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатлари, қоида тариқасида, декларациялар, баёнотлар, коммюнике, англашув меморандумлари, ахдлашув баённомалари, ҳамкорлик режалари ва дастурлари шаклида қабул қилинади.

Ушбу Қонун қоидаларининг халқаро шартномалар тузиш ташаббуси билан чиқишга ва уларни имзолашга оид қисми Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома бўлмаган халқаро ҳужжатларига нисбатан ҳам қўлланилади.

6-боб. Юкловчи қоидалар

52-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

53-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси билан халқаро молия институтлари ўртасидаги халқаро заём ва кафолатли шартномалар ҳамда битимларни тузиш ва денонсация қилиш тартиби тўғрисида**»ги 850–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 234-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»-ги 172–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 262-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 482–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 67-модда) **XIV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 568–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **VIII бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 14 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–11-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) **2-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **27-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–476-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) **18-моддаси**.

54-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

55-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

56-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 февраль,
ЎРҚ-518-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

95 Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнги йилларда мамлакатда, авваламбор, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, энергетика тармоғида давлат бошқарувини ташкил этишда қатор тизимли муаммолар мавжудлиги белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш ва мамлакатни инновацион жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчи — ёқилғи-энергетика комплекси соҳаларини уйғун ривожлантириш ва энергия манбаларини диверсификация қилиш масалаларида мувофиқлаштиришнинг ва тизимли ёндашувнинг етарли эмаслиги иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини уларнинг ўсиб бораётган талабини ҳисобга олган ҳолда энергия билан барқарор таъминлаш хавф-хатарларини оширмоқда;

иккинчи — энергетика тармоғи ташкилотларини бошқаришнинг директив модели, компаниялар молия-хўжалик фаолиятининг ҳаддан ортиқ маъмурий тартибга солиниши, шунингдек меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик уларнинг иш фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини сусайтирмоқда, ноишлаб чиқариш харажатлари ва ишлаб чиқарилаётган энергия бирлиги сарфининг ўсишига олиб келмоқда;

учинчи — соғлом рақобат муҳитининг йўқлиги, йирик квазидавлат сектори ҳамда давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувининг мавжудлиги, тарифларни тартибга солиш чора-тадбирларининг инвестиция сиёсати билан уйғун эмаслиги ёқилғи-энергетика соҳасининг инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

тўртинчи — тармоқнинг ривожига жойларда асбоб-ускуналар ўта эскиргани ва тегишли инфратузилмаларни янгилаш суръатларининг сустлиги, ускуналар, қурилмалар, газ қувурлари ва электр узатиш линияларидан хизмат муддатларини бузган ҳолда фойдаланиш, нобарқарор молиявий аҳвол, ресурс ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш даражасининг пастлиги каби бутун тизимга дахлдор муаммолар тўсқинлик қилмоқда ва бу

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 февралда эълон қилинган.

технологик йўқотишларнинг кўпайишига ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб беришда, айниқса, жойларда сурункали узилишларга сабаб бўлмокда;

бешинчи — соҳа корхоналарида ресурсларни режалаштириш, етказиб берилаётган энергия ресурсларини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ишлари суств олиб борилаётгани энергия ресурсларини истеъмолчиларга етказиб беришда катта йўқотишларга ҳамда ўзаро ҳисоб-китоб интизоми бузилишига олиб келмокда.

Энергетика тармоғини самарали бошқариш тизимини жорий қилиш ва жадал ривожлантириш, унинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадида, шунингдек 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

биринчидан, мамлакатнинг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт соҳалари ва аҳолининг энергия ресурсларига тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондиришга қаратилган ягона энергетика сиёсатини юритиш;

иккинчидан, энергетика соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ҳамда хўжалик фаолияти функцияларини аниқ чегаралаш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш, тариф сиёсатини амалга оширишнинг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш ва шу асосда соғлом рақобат муҳити тамойилларини илгари суриш;

учинчидан, инфратузилма объектларини қуришга, шунингдек тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш учун шароитлар яратиш;

тўртинчидан, энергия тежамкорлик ва иқтисодиётнинг энергия сарфини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, иқтисодиёт тармоқлари ва маиший секторда ресурс ва энергия тежовчи илғор технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, муқобил энергия манбаларини кенг ривожлантириш;

бешинчидан, энергетика тармоғи корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг замонавий воситаларини, энергия ресурсларини қазиб олиш, етказиб бериш ва истеъмол қилиш ҳажмларини ҳисобга олиш тизимларини кенг татбиқ қилиш;

олтинчидан, тармоқ корхоналарини бошқариш тизимини, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини мақбуллаштириш, ишларни ташкил қилишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий усуллари ва мақсадли индикаторларни (сифат менежменти, индикатив режалаштириш) жорий этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг энергетика хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг тарғиб қилиш ва ривожлантиришга қаратилган ёқилғи-энергетика тармоғида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

электр ва иссиқлик энергияси, кўмирни ишлаб чиқариш, етказиб бериш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш, шунингдек нефть, газ ва уларни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларни қазиб олиш, қайта ишлаш, ташиш, тақсимлаш, сотиш ва улардан фойдаланишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш;

республиканинг энергетика соҳасида ягона норматив-ҳуқуқий ва техник тартибга солишни амалга ошириш;

ёқилғи-энергетика комплексини стратегик режалаштириш ва ривожлантиришнинг мувозанатли тизимини яратиш ва ривожлантириш, энергия ресурслари ишлаб чиқаришни ошириш ва диверсификация қилиш, барча турдаги энергия ресурсларини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва истеъмол қилишнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли узвий боғлиқ прогнозларини, шунингдек энергетика тармоғини комплекс ривожлантириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;

давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, энергия ресурслари бозорида қулай рақобат ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришни рағбатлантирувчи тариф сиёсатини такомиллаштириш ҳисобига ёқилғи-энергетика тармоғининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш;

ёқилғи-энергетика тармоғида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, энергия ресурсларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш жараёнларига хусусий капитални фаол жалб қилиш, халқаро молия институтлари, донор мамлакатлар, компаниялар, банклар ва бошқа тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

энергетика соҳасига корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини ҳамда бошқарув, ҳисобга олиш ва назоратнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишда кўмаклашиш, шу асосда энергетика соҳасида бошқарув самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, энергетика тармоғи ташкилотлари молия-хўжалик фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш;

нефть-газ ва электр энергетика тармоғи ташкилотларининг ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантириш, энергия ресурсларини тежаш ва энергия самарадорлиги даражасини ошириш;

энергетика соҳасида муҳандис-техник ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш.

3. Вазирлик:

ўз фаолиятининг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалалар бўйича маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимларни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларида энергия самарадор ва энергия тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг мониторингини олиб бориш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги келгусида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги этиб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси келгусида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси келгусида Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси этиб қайта ташкил этилсин ва Вазирлик тузилмасига ўтказилсин.

5. «Энергия тежаш миллий компанияси» акциядорлик жамияти акциядорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Энергия тежаш миллий компанияси» акциядорлик жамиятини белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

7. Вазирлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 февраль,
ПФ-5646-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**96** **Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасини ривожлантириш, ташишларнинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодийтни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва амалга оширилаётган ислохотлар республиканинг географик жойлашувини инобатга олган ҳолда транспорт хизматларининг сифатлилиги ва оммабоплигини таъминлашга йўналтирилган ягона транспорт сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, соҳани бошқаришнинг замонавий технологиялари ва интеллектуал тизимларини жорий этишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, транспорт коммуникацияларини стратегик ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Вазирлик автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспортлари, метрополитен, шунингдек йўл хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Вазирлик транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, лицензия ва рухсатномалар бериш, сертификатлаштириш, самарали техник ва тариф сиёсатини амалга ошириш йўли орқали давлат томонидан тартибга солиш вазифасини амалга оширади;

Вазирлик томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорларнинг ижроси давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 февралда эълон қилинган.

транспортнинг барча турларини ягона транспорт тармоғига интеграциялашуви ва янги самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланган ҳолда уйғунликда ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат транспорт сиёсатини ишлаб чиқиш;

транспорт ва логистика хизматлари бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш, уларнинг барча тоифадаги истеъмолчилар учун оммабоплигини таъминлаш, шунингдек соҳага инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган транспорт соҳасидаги ягона тариф сиёсатини амалга ошириш;

халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш, логистика тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакат транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларни камайтириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ва мамлакат инвестициявий жозибadorлигини ошириш;

бутун транспорт тизимини рақамлаштириш бўйича илғор ахборот технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Транспорт тизимининг бир-бирига боғланган ягона тизимини истиқболли ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

автомобиль йўллари соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фойдаланувчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, автомобиль йўллари, аэродромлар ва аэропортлар, вокзаллар, темир йўллар ва транспорт инфратузилмасининг бошқа объектларини молиялаштириш, лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва фойдаланиш масалаларининг комплекс ечимини таъминлаш;

транспорт соҳасида назоратни амалга ошириш, фуқаро авиацияси ва экспериментал ҳаво кемаларидаги ҳалокатлар ва бахтсиз ҳодисаларни, шунингдек темир йўл ва дарё транспортидаги авария ва ҳалокатлар бўйича текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш;

транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги халқаро ва ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига транспорт хизматлари жаҳон бозорида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини таъминлаш;

транспорт соҳасидаги жорий ва истиқболли эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда таълим, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли равишда жорий этиш.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги этиб қайта ташкил этган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, уни Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси этиб қайта номлаган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Ўзбекистон кемачилик регистри;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзаэронавигация» Маркази;

иловага* мувофиқ илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, бошқа ташкилотлар, фаолиятини молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақланиб қолинган ҳолда, Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

Тошкент шаҳар Транспорт ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш департаменти тугатилсин.

5. Қуйидаги вазифа, функция ва ваколатлар Вазирликка ўтказилсин:

а) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қуйидаги соҳалардаги:

кемаларни рўйхатга олиш (қайта рўйхатга олиш), кемаларни қуриш, фойдаланиш, қайта жиҳозлаш ва таъмирлашга гувоҳномалар бериш;

кемаларга кема гувоҳномаси ва билетлари, таснифлаш гувоҳномалари, сузиш учун мувофиқлик гувоҳномалари ва кемасозликни тартибга солувчи қоидаларда назарда тутилган бошқа ҳужжатларни бериш;

б) «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг қуйидаги соҳалардаги:

темир йўл транспортини ривожлантиришнинг давлат дастурларини ишлаб чиқиш, темир йўл транспорти истиқболли прогнозлари, ривожлантириш ва объектларни жойлаштириш схемаларини ишлаб чиқиш;

темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида тариф ва транзит сиёсатни амалга ошириш, темир йўл транспортининг ўтказиш ва ташиш қобилиятини ошириш, темир йўл транспорти хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш;

саноат корхоналари ҳаракатдаги таркибларининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларидаги чиқиши учун рухсатномалар бериш;

темир йўл йўлаклари, шунингдек вагон ва контейнерларни юклаш, тушириш ва тозалашга мўлжалланган ускуналарни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини келишиш.

6. Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафардан ташкил топган, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази ташкил этилсин.

7. Вазирлик Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Парвозлар хавфсизлигини назорат

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қилиш давлат инспекцияси, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекциясининг транспорт ва йўл хўжалиги соҳасидаги қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалари, шунингдек мазкур Фармонга мувофиқ ўтказилаётган бошқа ваколатлари борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

8. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 ноябрга қадар барча турдаги транспортларнинг оптимал ва мувозанатлашган ўзаро алоқасини назарда тутувчи, умумқабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини инобатга олган ҳолда «Транспорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун киритсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг логистика самарадорлиги бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш чораларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида 2025 йилгача транспортни ривожлантириш концепциясини ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 февраль,
ПФ-5647-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**97** Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни
янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбир-
лар тўғрисида*

Мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришнинг институционал-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича самарали тизим шаклланмаган.

Давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва бошқа ташкилотлар) матбуот хизматларининг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Бундан ташқари, соҳага инвестициялар жалб этиш ҳамда ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ташкил этишда, хусусийлаштириш дастурларини амалга оширишда давлат-хусусий шериклик имкониятларидан фойдаланишга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти.

Ахборот соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, мамлакат медиа-бозорини жадал ривожлантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, китоб ва бошқа босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш сифатини ошириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги вазифаларга мувофиқ:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик);

Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармалари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар);

юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма);

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникация-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 февралда эълон қилинган.

лар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

2. Тошкент матбаа-ноширлик касб-хунар коллежи, унинг номини Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-хунар коллежига ўзгартирган ҳамда амалдаги молиялаштириш тизимини сақлаб қолган ҳолда Агентлик тасарруфига ўтказилсин.

3. Қуйидагилар:

а) Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

фукароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, медиа-бозорда улар учун тенг шароитлар яратиш, шунингдек, журналистлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, инвестициялар жалб этиш ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

ахборот соҳасидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини умумлаштириш, оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятининг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илгари суриш ва ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларга улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашда, давлат хизматчиларига оммавий ахборот воситалари билан очик, оммавий ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини сингдиришда, шу жумладан, уларнинг матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўйича бўлинмалари) фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан таъминлаш орқали кўмаклашиш;

мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларни, инвестициялар киритиш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун яратилган қулай шароитларни, аввало, хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғиб этиш ва кенг хабардор қилиш масалаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, замонавий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

китоб нашр этиш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб мутолааси маданиятини ошириш, хорижда ўзбек адабиётини оммалаштириш соҳасида дастурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона корхоналари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, тармоқнинг муҳандислик-техник му-тахассисларини тайёрлашда кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш;

республика ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этиш ҳамда ахборот соҳасидаги хатар ва таҳдидларга қарши ўз вақтида ва муносиб ра-вишда курашиш чораларини кўриш;

Агентлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик-ни ташкил этиш;

б) Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлиги ҳола-ти ва даражасини таҳлил қилиш;

миллий ахборот маконини ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши самарадор-лигини мониторинг қилиш;

оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган материаллар мазмунининг, шу жумладан, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини таъмин-лашга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини тизимли асосда таҳлил қилиш;

оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги муаммо ва тўсиқларни аниқлаш;

таҳлил ва мониторинг натижаларини умумлаштириш ва улар асосида тавсиялар бериш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникация-лар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг фонограммалар ва аудиовизуал асарларни тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва омма эътибо-рига етказиш)да муаллифлик ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликка ва норма-тив ҳужжатларга риоя қилиниши устидан давлат назорати бўйича ваколат-лари Агентликка берилсин.

5. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Агентликка идоравий мансуб нашриётлар ва матбаа корхоналарининг маҳсулотларини сотишдан тушадиган соф тушумнинг 10 фоизи миқдориди шартнома асосидаги ажратмалардан шакллантириладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 20 миллиард сўм миқдо-рида бир марта ажратиладиган маблағлар;

Агентлик томонидан рухсатнома тусидаги ҳужжатлар берганлик учун давлат божи тўлашдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахслар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари қўйидагиларга сарфланади:

давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

китоб мутолааси маданиятини ошириш, ўзбек адабиётини оммалаштириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб фондиди ривожлантириш, нашриётларнинг ўқув ва адабий материаллари касбий ва бадиий савиясини ошириш бўйича лойиҳа ва дастурларни молиялаштириш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имижини тарғиб этиш, ахборот кампанияларини ўтказиш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, яратилган қулай шароитлар ва ишбилармонлик муҳитининг яхшиланиши тўғрисида, аввало хорижий ишбилармон доиралар, тадбиркорлар, салоҳиятли инвесторлар, давлат ва жамоат арбоблари орасида тарғибот олиб бориш ва уларни кенг хабардор қилиш;

журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа корхоналари ва ахборот-кутубхона муассасалари ходимларини, шу жумладан, мамлакатимиздан ва хориждан мутахассислар жалб этиш, хорижда ўқув стажировкаларини ташкил этиш орқали тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирларини молиялаштириш;

Агентлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали ходимларини, шунингдек, жумладан хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича харажатларни қоплаш.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, унда, жумладан, Агентликка идоравий мансуб корхоналарнинг соф тушумидан маблағларнинг бир қисми бевосита Жамғармага йўналтирилишини назарда тутсин.

6. Агентликка Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Х.Раҳматуллаев кўчаси, 3-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Баркамол авлод» республика болалар маркази биноси ва иншоотлари туташ ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин ва унда Ноширлик-матбаа фаолияти соҳасида мутахассисларни тайёрлаш касб-ҳунар коллежи жойлаштирилсин.

7. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 февраль,
ПФ–5653-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

98 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5059-сон Фармониغا ўзгартириш киритиш тўғрисида***

Фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ учун ўзаро ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштириш ҳамда истеъмолчиларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини қискартириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5059-сон Фармони 8-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мазкур банднинг иккинчи хатбошисида кўрсатилганлардан ташқари, истеъмолчиларга энергия ресурсларини етказиб бериш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида, улар томонидан хабардор қилиш тартиби орқали тегишли мурожаат тақдим этилган тақдирда эса — 50 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, олдиндан ҳақ тўланмаган,

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 февралда эълон қилинган.

шунингдек, 50 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ҳисоб-китоб қилувчи истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади;».

2. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
ПФ-5654-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**99 Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини
рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш
тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йил 10 июндаги «2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар» резолюциясига таяниб, аъзо-давлатларни 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга тааллуқли халқаро ва ҳудудий тавсияларни инобатга олган ҳолда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишни қатъий даъват этади.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 февралда эълон қилинган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастурини қўллаб-қувватлашни эътиборга олган ҳолда, шунингдек, аҳоли сонининг аниқ ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳоли, маълумоти, ҳаёт даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича республика комиссияси 3-иловага* мувофиқ таркибда;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссиялар ташкил этилсин, уларнинг намунавий таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга ваколатли орган ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини назорат қилиш;

аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш, материалларни қайта ишлашни ташкил этиш ва якуний натижаларни эълон қилиш масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

* 1 — 4-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда иштирок этиш учун жисмоний ва юридик шахсларни уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилган ҳолда жалб этишни ташкил этиш;

ташкilotларни уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларга, шунингдек, халқаро ташкilotлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш ва ҳамкорлик самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга жалб қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга қўмаклашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишларни аниқ чора-тадбирлар ва масъул ижрочиларни кўрсатган ҳолда ташкил этиш;

ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ масалалар юзасидан, шунингдек, аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича ваколатли орган ҳудудий бўлималарини ва бу жараёнга жалб қилинган бошқа ташкilotларни моддий-техник таъминланганлигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс ишлар бажарилишини назорат қилиш;

ҳудудларда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жисмоний ва юридик шахсларни жалб этиш ҳамда иштирок этганларни рағбатлантириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсадлари, тартиби, даври ва муддатлари;

илғор хорижий амалиётда қабул қилинган замонавий технология ва услубиётлар асосида аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш;

аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг иштироки, уларнинг вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини кўрсатиш;

аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказишда жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг иштироки, улар меҳнатига ҳақ тўлашнинг аниқ механизмлари ва манбаларини белгилаш;

аҳолини рўйхатга олиш яқунларини амалга ошириш бўйича ташкилий-амалий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телера-

диокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

7. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, тегишли комиссиялар раҳбарлари мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
ПФ-5655-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**100 Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш
ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга
солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночилик-
ни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида***

Узумчилик ва виночиликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши ва айланмасини самарали мониторинг қилиш, давлатнинг иқтисодийётдаги иштирокини қисқартириш ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 февралда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил қилиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекциясини (кейинги ўринларда — Инспекция) ташкил қилиш;

в) «Ўзшаробсаноат» АЖнинг бошқарув органлари йиғилишларида жамиятнинг ташкилотлар устав капиталларидаги улушини 1-иловага* мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш билан жамиятни тугатиш масаласини кўриб чиқишни илгари суриш;

г) қуйидагиларнинг устав капиталидаги улушини:

«Ўзшаробсаноат» АЖнинг «Зомин узумчилик ўқув маркази» МЧЖни келгусида уни Агентлик қошидаги «Узумчилик ўқув маркази» ДУКга айлантирган ҳолда;

«Ўзшаробсаноат» АЖнинг «Марказий синов лабораторияси» МЧЖни келгусида уни Агентлик ҳузуридаги «Энология лабораторияси» ДУКга айлантирган ҳолда Агентликка бериш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

а) Агентликнинг асосий вазифалар этиб:

узумчилик ва виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, шунингдек узумчилик ва виночиликни жадал ривожлантиришга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

узум, асосан унинг техник навлари плантацияларини кенгайтиришга ва виночиликни ривожлантиришга, замонавий ресурс тежовчи технологияларни жорий этишга ҳамда виночилик корхоналарини комплекс модернизациялашга кўмаклашиш;

рақобатбардош виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш, ташқи бозорлар конъюнктурасини чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказиш йўли билан соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек маҳаллий виночилик маҳсулотларини республикада, жумладан хорижда ҳам оммалаштириш;

хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш орқали узумчилик ва виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

узум кўчатлари етиштирувчилар фаолиятини тартибга солиш, узум, мева ва резаворлардан тайёрланган алкоголь маҳсулотлари сифатини аниқлаш юзасидан Инспекция билан ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва дав-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон реестрини юритиш;

б) Инспекциянинг асосий вазифалар этиб:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаштириш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг айланмаси ҳажмларини мониторинг ва назорат қилиш бўйича ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

алкоголь ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун корхоналар ўртасида истеъмол этил спиртини белгиланган тартибда тақсимлаш;

давлат стандартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техник ва технологик нормаларга риоя этилишини назорат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг сақланиш сифати ва айланмасини, шу жумладан истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланадиган хомашё ва ёрдамчи материаллар сифатини назорат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан лицензион талабларга амал қилинишини назорат қилиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар айланмасининг ҳақиқий ҳажмларини мониторинг қилиш, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун янги намунадаги акциз маркаларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ туширилишини таъминлаш бўйича давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

узум, мева ва резаворлардан тайёрланган алкоголь маҳсулотлари сифатини аниқлаш юзасидан Агентлик билан ҳамкорлик қилиш.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга мувофиқ:

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси Инспекция томонидан белгиланган тартибда бериладиган лицензиялар асосида амалга оширилади;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар маҳсулотни фақат улгуржи ташкилотларга реализация қилади, пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий винолар бундан мустасно;

барча юридик шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланишга ҳақли;

маҳаллий пиво маҳсулотлари, кўпикланадиган ва табиий виноларни ре-

ализация қилиш барча савдо корхоналари, шунингдек меҳмонхоналар хизматларини ҳамда алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат этиш гувоҳномаси бўлмасдан туриб умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан амалга оширилиши мумкин;

Инспекция хузуридаги этил спирти сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар уларнинг тегишли тарзда ишлаши учун зарур техник шароитларни таъминлайдиган истеъмол этил спиртини ишлаб чиқарувчи корхоналарда жойлашади;

ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмол этил спиртини реализация қилиш 100 фоиз ҳақини олдиндан тўлаш шартларида амалга оширилади;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар олдиндан тўловни амалга оширмасдан алкоголь маҳсулотларини реализация қилиш ҳуқуқига эга;

алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан истеъмол этил спиртини Инспекция томонидан тақсимланган ҳажмлардан ортиқча ҳажмда харид қилиш Инспекцияни белгиланган тартибда хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини режалаштириш ишлаб чиқарувчилар томонидан бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. 2020 йил 1 январдан бошлаб ароқ ва (ёки) ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширишга қўйидаги қўшимча лицензион талаблар жорий этилсин:

уч йил ичида ўзининг техник узум навлари плантацияларини бир текис яратиш ва келгусида вино материаллари ва (ёки) вино ишлаб чиқаришни ташкил қилиш. Бунда техник узум навлари экилганидан кейинги уч йилдан сўнг техник узум навлари плантацияларининг майдони ароқ ва (ёки) ликёр-ароқ маҳсулотларини йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизига мутаносиб келадиган вино материаллари ва (ёки) вино ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ҳосилни йиғиш имконини бериши керак;

ароқ ҳамда истеъмол этил спиртидан ароқ ва ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган миқдорда фойдаланилишини таъминлаш. Бунда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми абсолют алкогольга қайта ҳисоблаганда камида 100 минг декалитрни ташкил қилиши лозим;

ароқ ишлаб чиқармайдиган корхоналарда истеъмол этил спиртидан ликёр-ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мавжуд йиллик ишлаб чиқариш қувватларидан ўрнатилган қувватларнинг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда фойдаланилишини таъминлаш.

Бунда узум, мевалар ва резавордан тайёрланган алкоголь маҳсулотларига минимал ишлаб чиқариш ҳажми бўйича лицензион талаб ўрнатилмайди.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Этил спирти, алкогольли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссияси томонидан ал-

коголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга илгари берилган лицензиялар, амал қилиш муддатидан қатъи назар, 2019 йил 1 июлгача ҳақиқий ҳисобланади ва янги лицензия талабларини ҳисобга олган ҳолда қайта расмийлаштирилиши шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй манзили бўйича жойлашган тугатилаётган «Ўзшаробсаноат» АЖнинг бино ва иншоотларини жиҳозлари ва ташкилий техникаси билан бирга Агентлик ва Инспекциянинг оператив бошқарувига бериш, шунингдек тугатиш жараёни яқунланганидан кейин жамиятнинг қолган пул маблағлари ва асосий воситаларини Агентлик ва Инспекцияга тенг улушларда тақсимлаш;

бир ой муддатда «Ўзстандарт» агентлиги балансидаги этил спиртнинг сифатини аниқлаш бўйича лабораториялар мулкани Инспекциянинг оператив бошқарувига бериш;

2019 йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда алкоголь, ликёр-ароқ ва вино маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналардаги давлат улушларини сотиш учун, жумладан техник навли тоқзорларни яратиш ва ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашни кўзда тутилган ҳолда инвестициявий талабларни тайёрлаш;

2019 йилнинг охиригача «Ўзшаробсаноат» АЖнинг мазкур Фармонга 1-иловада кўзда тутилган агрофирмалар, улгуржи базалар ва бошқа ташкилотлар устав жамғармаларидаги давлат улушларини белгиланган тартибда савдога қўйишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги салоҳиятли, жумладан хорижий инвесторларни мазкур Фармонга мувофиқ реализация қилинадиган объектлар ҳақида кенг хабардор қилиш ва уларни харид қилишга жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни қабул қилсин.

7. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда, технологик ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда, истеъмол этил спиртини ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз буғдойзорларини ташкил қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда, жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

алкоголь маҳсулотлари айланмасини ҳисобга олиш ахборот тизимига уланишни асосий лицензия талаби сифатида белгиланган ҳолда алкоголь маҳсулотининг улгуржи савдосини амалга ошириш бўйича лицензия фаолиятининг янги турини жорий этиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг таълим, спорт ва диний муассасалардан тўғри чизик бўйича икки юз метрдан ортиқ радиусда жойлашган

савдо объектларида, шунингдек умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуалари (бозорлар) ва ярмарка павильонларида реализация қилиш;

республика ҳудудига алкоголь маҳсулотларини полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материаллардан тайёрланган полимер истеъмол идишларида олиб киришга тақиқ ва жавобгарликни ўрнатиш, пиво ва вино маҳсулотлари бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритилсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
ПФ-5656-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

101 Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5646-сон Фармониغا мувофиқ:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 февралда эълон қилинган.

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 80 бирликдан иборат тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) бошқарув ходимлари, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — «Ўзнефтгазинспекция») ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергетикада назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — «Ўзэнергоинспекция») ҳамда давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг штатлар сонини қисқартириш ҳисобидан таъминланади.

2. Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлига:

зарур бўлганда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Вазирликнинг марказий аппарати, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Вазирликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек энергетика соҳасида етакчи халқаро ва хорижий компаниялар мутахассисларини консультант сифатида жалб қилиш;

юқори малакали хорижий мутахассисларни белгиланган тартибда ишга қабул қилиш, шунингдек, уларга Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, жумладан эркин конвертация қилинадиган валютада иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» ходимларининг лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти 1,5 барабарга оширган ҳолда қўлланилади;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ушбу банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг маҳсулотлар тақсмотига оид амалга оширилаётган битимлар бўйича функцияларини Вазирликка ўтказиш;

Вазирлик ҳузурида маҳсулотлар тақсмотига оид битимларни амалга ошириш бўйича фаолият олиб бораётган гуруҳларни бирлаштириш йўли билан нотижорат ташкилот шаклида юридик шахс ташкил қилиш ва унга ушбу гуруҳларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш;

«Ўзбекэнерго» АЖ маъмурий биноси жойлашган ер участкасида хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда, замонавий меҳмонхона комплекси қуриш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М. Фаниев ва А.А. Абдухакимов бир ой муддатда «Ўзбекэнерго» АЖ маъмурий биноси жойлашган ҳудудда замонавий меҳмонхона комплексини қуриш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Ўзбекэнерго» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлик ва «Ўзбекэнерго» АЖни жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Вазирлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

«Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» томонидан хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролардан энергетика соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган тартибда ундириладиган жарималар суммаси тўлиқ ҳажмда;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларнинг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

7. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари:

Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий химоя қилиш;

Вазирлик, «Ўзнефтгазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкаси, шу жумладан хорижий давлатларга сафарларини ташкил қилиш, халқаро конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

Вазирлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар учун сарфланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарори билан ташкил этилган Электр энергетика тармоғини ислох қилиш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда — Комиссия) Вазирлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш юклансин.

9. Вазирлик:

а) Комиссия билан келишган ҳолда:

2019 йил 1 мартга қадар Жаҳон банкининг техник кўмагида электр энергетика тармоғини ислох қилиш (реструктуризация) моделларини ишлаб чиқсин ва таклиф этилаётган ислохотларни амалга ошириш бўйича батафсил «йўл харитаси»ни тайёрласин;

2019 йил 15 мартга қадар электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил қилишнинг замонавий схемасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекэнерго» АЖни реструктуризация қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин;

2019 йил 1 апрелга қадар бошқарувнинг самарасиз тузилмаларини мақбуллаштириш, нефть ва газ соҳаси корхоналарини фаолият йўналишидан келиб чиқиб қайта ташкил қилиш, уларни ривожлантиришга хусусий ҳамда хорижий, тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» АЖни реструктуризация қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини киритсин;

б) «Ўзбекнефтгаз» АЖ ва «Ўзбекэнерго» АЖни реструктуризация қилишда магистрал газ-транспорт тизими ва магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича алоҳида давлат корхоналарини ташкил этишни назарда тутсин;

в) 2019 йил 1 мартга қадар ёқилғи-энергетика тармоғидаги комплекс камчиликлар, шунингдек мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ва уларга эришишнинг қадамма-қадам механизмларини кўрсатган ҳолда 2019 йилда Вазирлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

г) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирликнинг штат жадвалини тасдиқласин;

энергетика тармоғи ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда

Вазирликни унга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин;

е) икки ой муддатда «Электрон ҳукумат» тизимига тақдим этилиши ва киритилиши шарт бўлган маълумотлар таркиби бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига белгиланган тартибда киритсин, шунингдек Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимидан платформа шаклида белгиланган протокол асосида мажбурий фойдаланилишини таъминласин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Фанлар академияси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 майга қадар — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) лойиҳасини;

2019 йил 1 октябрга қадар — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари портфелини киритишни таъминласин.

Концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда қуйидаги масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комплекс ёндашув ва стратегик вазифалар;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш;

замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, саноат ва экологик хавфсизликнинг юқори даражасини таъминлайдиган қайта тикланувчи энергия манбалари объектлари ҳамда тегишли инфратузилмани барпо этиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбалари соҳасидаги етакчи хорижий компанияларда уларнинг стажировкасини ташкил қилиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзнефтвазинспекция» ва «Ўзэнергоинспекция» фаолиятини, шу жумладан энергетика соҳасида давлат назоратини амалга ошириш ваколатларини кенгайтириш ҳамда штат бирликларини мақбуллаштириш орқали такомиллаштириш тўғрисида ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорни 2019 йилда амалга ошириш бўйича Вазирлик харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметасига ушбу қарор қоидаларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритсин;

асослантирилган ҳисоб-китобларга биноан Вазирлик марказий аппарати зарур инвентарлар, оргтехника билан жиҳозлаш учун маблағлар ажратилишини таъминласин ҳамда 7 та, шу жумладан 5 та шахсий бириктирилган хизмат автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимитлар белгиласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

13. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотлари тарқатилиши мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

14. Вазирлик Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 февраль,
ПҚ-4142-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**102 Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармониغا мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 152 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 2-иловага** мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги тузилмаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3 ва 3а-иловаларга** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ва давлат бошқаруви органлари ходимларининг чекланган сони 4 ва 5-иловаларга** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бошқарув ходимларининг чекланган сони 68 нафардан иборат тузилмаси 6-иловага** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси тузилмасига зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари юқори малакали мутахассисларини, шунингдек халқаро ташкилотлар, хорижий компаниялар ва экспертларни консультантлар сифатида жалб этиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 февралда эълон қилинган.

** 1 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тасдиқланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директори, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири тақдимига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раисининг, Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси бошлиқларининг ўринбосарлари уларнинг раҳбарлари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси транспорт вазири ва унинг ўринбосари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини шакллантириш Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги штат бирликлари, Вазирлик ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек Вазирликка ўтказилаётган илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ваколатлари ва штат бирлигини оптималлаштириш ҳисобидан амалга оширилади;

Вазирлик ҳудудий бўлинмалари ходимларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон «Давлат бошқаруви ҳудудий органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий бўйсинувидаги давлат бошқаруви органларининг таъминоти харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг Автомобиль транспортини ривожлантириш жамғармаси негизида, маблағларининг шакллантириш манбалари сақланган ҳолда юридик шахс ташкил этмасдан Ўзбекистон

Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Шаҳар, шаҳардан ташқари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда автомобиль транспортида юк ва йўловчилар ташишни амалга ошириш учун лицензия бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтиришдан тушадиган давлат божи маблағларининг 40 фоизи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларини таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши белгилансин.

Вазирлик Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни, унинг маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбаларини белгилаган ҳолда тасдиқлаш;

Транспорт ва логистикани ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Вазирлик ва унинг идоравий ташкилотлари ходимларини меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча моддий рағбатлантириш тартиби.

5. Вазирлик Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

бир ой муддатда мазкур қарор талабларини инobatга олган ҳолда, Вазирлик ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги, Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси ҳамда Йўлқурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

икки ой муддатда тартибга солиш функцияларини истисно қилиш, инвестицияларни жалб этиш, шунингдек рақобат муҳитини шакллантириш ва темир йўл транспортида юк ва йўловчилар ташишда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва бошқа тадбиркорлик субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун тенг шароитларни яратиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда транспорт ва йўл хўжалиги соҳада таълим, ходимларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш бўйича таклифларни;

икки ой муддатда Вазирлик тизимига кирувчи тижорат тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

уч ой муддатда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг давлат ва тижорат функцияларини ажратишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

6. Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги ва унинг ҳудудий бўлин-

малари тугатилаётганлиги муносабати билан бўшаётган бино ва хоналарга Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда 2019 йилда Вазирликнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Вазирликни таъминлаш харажатлари учун зарур бўлган бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг жами 21 та, шу жумладан 19 та шахсий бириктирилган, шундан 14 таси Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари учун, хизмат автомобиллари таъминоти учун лимит белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Вазирликни телефон алоқаси, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

9. Вазирлик:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика ахборотларини тарқатиш мажбурий бўлган ташкилотлар рўйхатига;

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин.

10. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тўғрисидаги низом лойиҳасини;

мазкур қарор қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг транспорт соҳасидаги такрорланувчи вазибалари, функциялари, ваколатлари ва тузилмаларини тугатиш бўйича таклифларни;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 февраль,
ПҚ-4143-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**103 Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг 2019 йил 1 июлдан қуйидаги тартибни ўрнатиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин:

давлат солиқ хизмати органлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади;

банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг камида уч юз қаррасини ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида йигирма қаррасини ташкил этадиган бўлса, суд томонидан кўзғатилиши мумкин;

тугатишга доир иш юритиш муддати тўққиз ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда ушбу муддат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин;

бенефициар ва аффилиланган шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда субсидиар жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади;

банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулки суд бошқарувчилари томонидан «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали сотилади.

2. 2019 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 февралда эълон қилинган.

номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида (кейинги ўринларда — Республика олий мактаби) қуйидагиларни назарда тутувчи махсус курслар ташкил этилсин:

суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни махсус дастур бўйича шартнома асосида ўқитиш;

тегишли тоифадаги суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун асос бўладиган ўқишни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш;

суд бошқарувчиларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

а) давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда суд бошқарувчиларини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари орасидан тайинлаш амалиёти бекор қилинади;

б) шундай тартиб жорий қилинадик, унга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда:

тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (кейинги ўринларда — Ассоциация) аъзолари ҳисобланган шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланади;

қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг қарорига асосан, ҳар бир якунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан суд бошқарувчиларига энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида ҳақ тўланади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишда тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчиларига қўшимча ҳақ тўланади;

в) суд бошқарувчиларининг фаолияти «фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш» ихтисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган ва суд бошқарувчиси аттестатини олган адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин;

г) суд бошқарувчиларини тайинлаш кредитор (кредиторларнинг умумий йиғилиши ёки қўмитаси) ёки банкротлик ишлари бўйича ваколатли давлат органи ёхуд Ассоциация ва унинг ҳудудий тузилмалари тақдимномаси бўйича суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолашни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки, суд бошқарувчиларининг касбий малакасини оширишга қўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ассоциация ва унинг ҳудудий тузилмалари:

суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан муносабатларда суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳуқуқига эга;

суд бошқарувчиларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолайди, улар томонидан қонун ҳужжатларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини мониторинг қилади.

5. Давлат активларини бошқариш агентлиги:

бир ой муддатда Республика олий мактаби билан биргаликда замонавий талаблар ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда суд бошқарувчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда Республика олий мактабида суд бошқарувчиларини ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда Ассоциация билан биргаликда Суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

2019 йил 1 апрелдан суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш ҳақидаги маълумотларни ҳар чоракда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва расмий веб-сайтта жойлаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулкани «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида сотиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда:

Суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни ўқитиш ва суд бошқарувчилари малакасини ошириш тартиби тўғрисидаги низомни;

Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан ўтказиш ва малака аттестати бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий суд билан биргаликда 2019 йил 1 мартга қадар муддатда сохта банкротлик, банкротликни яширганлик ва қасддан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майга қадар муддатда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 февраль,
ПҚ-4146-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

104 Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги «Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5653-сон Фармониға мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловаға** мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловаға** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 февралда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тўғрисидаги низом 4-иловага* мувофиқ;

2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантириш дастури 5-иловага* мувофиқ;

«Кўзи ожизлар босмаҳонаси» корхонасининг матбаа ускуналарини модернизация қилиш, бинолари ва ишлаб чиқариш хоналарини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустақкамлашга қаратилган «Ko'ngil ko'zi» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) тизими бошқарув ходимларининг чекланган сони 127 нафар, жумладан марказий аппарати — 81 нафар ва ҳудудий бўлинмаларда — 46 нафар этиб белгилансин. Бунда, уларнинг 101 нафари, шу жумладан марказий аппаратнинг 55 нафар ва ҳудудий бўлинмаларнинг 46 нафар ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, марказий аппаратнинг 26 нафар ходимлари — Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

3. Агентлик директориغا:

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган штатлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Агентлик ва унинг бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек идоравий бўйсунувидаги ташкилотларнинг низомлари ва тузилмаларини тасдиқлаш;

Агентликка юкланган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат органлари ва бошқа ташкилотлар), нодавлат ноижорат ташкилотлари, илмий-таълим муассасалари, етакчи халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакалари ходимларини, шу жумладан хорижий мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида шартнома асосида жалб этиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ходимларга асосий эгаллаб турган лавозимлари бўйича лавозим маошларига, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, ҳар ойлик иш ҳақи фондининг 300 фоизидан ошмаган миқдорда устама ва бошқа рағбатлантирувчи тўловларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

* 3 — 6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилансинки:

Агентлик Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ҳамда оммавий ахборот воситалари, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган уч нафар ўринбосарлар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади;

Агентлик директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ахборот соҳасида фаолиятни амалга оширувчи барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилот ва идоралар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

5. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг 7-иловага* мувофиқ таркибда PR-марказ функцияларини амалга ошириш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Идоралараро ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Агентлик томонидан PR-фаолиятни ташкил этишнинг устувор вазифа ва йўналишларини, концептуал асосларини ишлаб чиқиш, ушбу соҳада самарали идоралараро мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш;

иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестицияга эҳтиёж ва салоҳиятли лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнларини ва бизнес-форумлар ташкил этишни PR жиҳатидан қўллаб-қувватлаш учун доимий асосда ахборот материалларини тайёрлаш;

мамлакатимиз инвестиция салоҳияти тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш, истиқболли инвестиция таклифлари рўйхатини, хорижий инвесторлар учун зарур тақдимот материалларини тайёрлаш учун маълумотларни шакллантириш бўйича тадбиркорлик субъектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

жаҳон ахборот маконида Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва илгари суриш, мамлакатнинг инвестиция муҳити ва туристик салоҳиятини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш.

* 7-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Белгилансинки:

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;

Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари тегишли равишда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон матбуот ва ахборот агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаларининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентлик фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт;

Агентлик давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланган ва кейинчалик телерадиоканалларда, жумладан нодавлат телерадиоканалларда трансляция қилишга мўлжалланган ижтимоий ролик ва эълонларни тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради.

7. Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 мартга қадар Агентликка, истисно тариқасида, унинг асосланган ҳисобкитобларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, умумий ўрта таълим муассасалари учун тегишли ўқув йилида ўқув адабиётини нашр этиш ва нусхасини кўпайтириш учун зарур хом ашё ва сарф материалларини харид қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг шу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлари доирасида аванс маблағларини ажратсин.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентликка хом ашё ва сарф материалларини харид қилиш учун аванс маблағларини ажратиш, уларни харид қилиш ва ноширлик-матбаа корхоналари ўртасида тақсимлаш, шунингдек умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув адабиётини нашр ва қайта нашр этиш бўйича харажатларни молиялаштиришда ушбу маблағлар ҳисобини юритиш тартибини тасдиқласин.

8. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига идоравий бўйсунувидаги матбуот хизматлари (жамоатчилик билан ишлаш бўлинмалари)нинг сифатли фаолият юритиши, улар олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши, шунингдек уларнинг малакали мутахассислар билан тўлдирилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Агентлик билан биргаликда 2019 йилда замонавий ихтисослашган китоб дўконлари, ноширлик-матбаа корхоналарини модернизация қилиш ва моддий-

техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, янги китоб дўконларини қуриш, шунингдек дарсликлар ва бошқа босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари ҳисобидан маблағларнинг жалб этилишини таъминласин.

12. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар Агентлик тизимидаги объектлар ва мол-мулкни тўлиқ хатловдан ўтказсин ва Агентликнинг идоравий бўйсунувидаги корхоналарини хусусийлаштириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутадиган Республика ноширлик-матбаа тармоғини ривожлантириш комплекс дастурини тасдиқласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари талабномаларига кўра миллий китоб ва босма маҳсулотларни сотиш бўйича кўчма китоб павильонларини жойлаштириш учун жамоат жойларида (марказий кўчалар, истироҳат боғлари, бозорлар, темир йўл вокзаллари, метрополитен бекатларига киришда ва бошқа) бўш турган ер майдонларининг беғараз асосда берилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, жумладан ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналар фаолият юритиши ҳамда уларнинг фонди Агентлик таклифлари асосида ҳар йили янгиланиб борилишини назарда тутадиган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин;

босма маҳсулотлар ҳамда даврий босма нашрларнинг мажбурий бепул нусхаларини олувчи ташкилотлар рўйхатини қисқартиришни ҳисобга олган ҳолда уларни тарқатиш тартибини қайта кўриб чиқсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Агентлик таклифлари асосида республика ўрта махсус ва олий таълим муассасалари кутубхоналарини тўлдириш учун бадиий адабиётлар рўйхатини шакллантирсин ва ҳар йили ушбу адабиётларни харид қилиш учун зарур маблағларни ажратсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Агентликни алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқаси воситалари билан, шунингдек кенг поласали Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

17. Агентлик Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй манзили бўйича беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

18. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 5 та, шу жумладан 4 та шахсий бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат энгил автомобиллари сотиб олиш ва сақлаш учун лимит белгилансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмунда 30-банд билан тўлдирилсин:

«30. Таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув-методик жамламаларни нашр этиш (қайта нашр этиш) учун мўлжалланган қоғоз ва бошқа сарфлаш материаллари».

20. Агентлик Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 февраль,
ПҚ-4151-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

105 Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чоратadbирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини бошқаришга юқори маънавият хорижий мутахассисларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг соғлиқни сақлаш соҳасига илғор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ислохотларни

* Ушбу қарор «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 февралда эълон қилинган.

эксперт жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қуйидагилар учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари (кейинги ўринларда — соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари) лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

халқаро стандартлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини имплементация қилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ҳуқуқий тартибга солиш;

соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш;

давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмдан фойдаланишнинг энг яхши амалиётларини татбиқ қилиш;

соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳити яхшилаш;

«электрон соғлиқни сақлаш» тизимларини кенг жорий этиш.

2. Белгилансинки:

соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари лавозимига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий мутахассис жалб этилади;

соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари маслаҳатчиси ҳисобланади;

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари томонидан мувофиқлаштирилади;

соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига шахсий таржимон, ёрдамчи, хизмат автотранспорти, хизмат турар жойи берилади ҳамда доимий яшаш мамлакатига бориб-келиш учун халқаро парвозларда авиачипталар қиймати қопланади;

Ривожлантириш ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарининг иш ҳақини тўлаш, ҳудудлар бўйлаб сафарларда транспорт ва хизмат сафари, таржимон, ёрдамчи ёллаш, хизмат турар жойи, шунингдек доимий яшаш мамлакатига бориб-келиш учун халқаро парвозларда авиачипталар харажатларини қоплаш манбалари ҳисобланади.

3. Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарига икки нафар юқори малакали хорижий мутахассислардан иборат бўлган гуруҳ бириктирилиши, уларнинг таъминоти ўзларининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари билан томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини, мақсадли индикаторларни, шартноманинг бошқа муҳим шартларини, шунингдек ушбу қарорнинг 1-бандини амалга оширишнинг батафсил механизмларини белгилаб берадиган шартнома тузсин.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадмановга соғлиқни сақлаш вазири ўринбосарининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилий тузилмасига кирувчи таркибий бўлинмалар ва муассасалар билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш учун шахсан масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомалари бўйича соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарига ва унга бириктирилган хорижий мутахассисларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига кўп марталик кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртманомалари бўйича соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарига ва унга бириктирилган хорижий мутахассисларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божи ундирилмасдан кўп марталик визалар белгиланган тартибда берилиши ва узайтирилишини, вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискалар расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПҚ-4055-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
ПҚ-4159-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**106 Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Сўнги бир неча йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ва тартибга солиш жараёнларини такомиллаштиришга, қулай бизнес муҳитини ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий нуфузини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди. Охириги 5 йил давомида кўрилган чора-тадбирлар натижасида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» рейтингиди Ўзбекистон жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 146 ўриндан 76 ўринга кўтарилди.

Шу билан бирга, амалиётда, хусусан қурилишга рухсатномалар олишда, мулкни рўйхатдан ўтказишда ва ташқи савдо операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган ортикча бюрократик тартиб-таомиллар ҳанузгача сақланиб қолмоқда.

«Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида мамлакатнинг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чоралар кўриш, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

а) Жаҳон банки ва бошқа халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага** мувофиқ;

б) 2022 йилга келиб республиканинг 20-ўринга эришишини назарда тутувчи Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг «Бизнес юритишни яхшилаш — 2022» мақсадли кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — Мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2019 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида — банклар Жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чикувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган юридик шахсларга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида банк ҳисоб рақамларини масофадан туриб очиши мумкин;

б) қурилиш учун рухсатномалар олиш соҳасида:

ер участкасида қурилиши тақиқланган ёки рухсат этилган объектлар турларининг тўлиқ рўйхатини мажбурий тарзда кўрсатиб, «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасига аукцион орқали қўйилганда, ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш тартиби бекор қилинади;

қурилиш органларига архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функциялари ушбу кенгашларда фақат тарихий ҳудудлар, шу жумладан маданий мерос ёдгорликларини қўриқлаш ҳудудлари, шунингдек давлат объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш функцияларини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилинган ер участкаларидаги қурилиш объекти фойдаланишга топширилганидан сўнг амалга ошириладиган топографик ва махсус суратга олишларни (зарур ҳолларда) янгилаш ишларининг қиймати ер участкаларини реализация қилишдан тушган маблағлар доирасида ер участкалари ва кўчмас мулк эгалари фаолиятига аралашмаган ёки тўсқинлик қилмаган ҳолда тўланади;

қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси кўчмас мулк объектга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кўчирмаси билан бир вақтда берилади;

в) электр таъминоти тизимига уланиш соҳасида — истеъмолчиларни электр таъминотидан рухсатсиз узганлик учун иқтисодий санкциялар қўлланилади;

г) мулкни рўйхатдан ўтказиш соҳасида:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва кадастр ҳисобини юритиш учун ариза экстерриториаллик принципи асосида берилиши мумкин;

жисмоний ва юридик шахслар кўчмас мулк объектлари бўйича битим ва кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини олиш билан боғлиқ бўлган гувоҳномаларни нотариал тасдиқлаш учун мурожаат қилганда, нотариал идоралар мажбурий тартибда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризани ва тегишли ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ахборот-коммуникация тизимлари орқали бепул асосда юборади;

кўчмас мулк объектларининг кадастр йиғмажилди ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш учун электрон шаклда мурожаат қилиш ва тайёрлаш механизмини жорий этиш орқали қоғоз шаклида мурожаат қилиш ва кадастр йиғмажилдини бериш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

д) миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш соҳасида:

акциядорларга йирик битим ва аффилланган шахслар билан қиймати жамият соф активлари миқдорининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил қилувчи битим тузиш натижасида жамиятга етказилган зарар учун кузатув кенгашининг манфаатдор аъзосини суд тартибида жавобгарликка тортиш ҳуқуқи берилади;

масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият фаолияти юзасидан қайсидир масалада келишувга эришилмаганлиги сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овоз бўлмаганда, вужудга келган зиддиятли вазият суд тартибида ҳал қилинади;

акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали тўлаш механизми жорий этилади;

е) халқаро савдо соҳасида — товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчисининг ариза-декларацияси асосида, ариза топширилган вақтдан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда Савдо-саноат палатаси томонидан ҳам амалга оширилади;

ж) контрактлар ижросини таъминлаш соҳасида:

иқтисодий судда низоларни ҳал қилиш усули сифатида судгача мажлис ўтказиш имконини берувчи тартиб жорий этилади;

жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларда, маъмурий ва иқтисодий судларда фуқаролар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни, шу жумладан давлат божини ҳисобга олиш ва тўлашнинг ягона электрон тизими жорий этилади.

3. 2019 йил 1 мартдан бошлаб:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳужжатларга муҳр босилиши ёки ҳужжатларнинг муҳр билан тасдиқланишини талаб қилиш;

қурилиш-монтаж ишларининг бошланиши ҳақида хабардор қилиш механизминини жорий этиш орқали уларни амалга ошириш учун рухсатнома олиш;

оммавий офертани жорий этиш орқали қурилиш соҳасини назорат қилувчи ҳудудий инспекциялар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш-монтаж ишларининг сифати ва тўлиқлиги устидан назорат функцияларини бажариш юзасидан шартномалар тузиш тартиблари бекор қилинсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Бош прокуратуранинг 2020 йил 1 январдан бошлаб Тошкент шаҳрида эксперимент тариқасида қўйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин:

шаҳарсозлик фаолияти объектини қуришни лойиҳалаштириш учун меъморий-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш ер участкасини «E-IJRO

AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилиш учун материаллар тайёрланаётганда амалга оширилади ва аукцион ғолибига бепул асосда берилади;

меъморий-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг қиймати маҳаллий бюджет маблағларидан, кейинчалик харажатларни ер участкасини «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган маблағлардан қоплаш орқали тўланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, бошқа масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Интернет тармоғида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботи сўровномалари асосида 10 та индикатор кесимида қатъий белгиланган ахборотларни ўз ичига олган, шунингдек респондентлар — тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш имконини таъминловчи «Ўзбекистонда бизнес юритиш» веб-сайтини яратсин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар электрон рақамли имзо билан бир қаторда, шу жумладан мобиль қурилмаларда шахсни идентификация қилишнинг замонавий шаклларини қўллаш имкониятлари юзасидан асослантилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

6. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига — «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва Мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ганиев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига — «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб қилиш бўйича зарур ташкилий-амалий чоралар кўрилишини таъминлаш юзасидан;

«Йўл харитаси»да кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига — чора-тадбирларнинг сифатли амалга оширилиши ва «Бизнес юритиш» ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ҳамда Мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда «Йўл харитаси»ни амалга ошириш доирасида қонун ҳужжатла-

ри талабларининг амалиётга жорий этилишини тизимли равишда ўрганиб борсин, бунда тасдиқланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминламаган ҳамда кечикишларга йўл қўйган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан аниқ таъсир чораларини қўлласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботидаги индикаторлар доирасида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини ҳамда аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига тушунтирилишини таъминласин.

9. Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 февраль,
ПҚ-4160-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**107 2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5484-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, республикада атом энергетикасини мамлакатнинг янги юқори технологияли энергетика тармоғи сифатида ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва мустаҳкам тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — «Ўзатом» агентлиги) томонидан мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станцияси қуришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4048-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни 2018 — 2021 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» тадбирлари амалга оширилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутувчи 2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

миллий ядро инфратузилмасини ривожлантириш, шу жумладан норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг ядро хавфсизлигининг глобал режимида иштирок этиши, атом электр станциясини (кейинги ўринларда — АЭС) эксплуатация қилувчи ташкилот фаолиятини таъминлаш, атом энергетикасини тартибга солишнинг асосини яратиш, ядро-энергетика дастурининг шаффофлиги ва жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш, малакали кадрлар билан таъминлаш;

биринчи АЭСни қуриш, шу жумладан майдончани танлаш ва АЭСни жойлаштиришни лицензиялаш, лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш;

атом энергиясидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазасини ва одамларни радиациядан ҳимоя қилишни таъминлаш;

хавфсиз ва иқтисодий самарадор ядро ёқилғи циклини ташкил этиш,

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 февралда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шу жумладан атом энергетикасини ядро ёқилғиси билан узоқ муддатли таъминлаш, ишлатиб бўлинган ёқилғи билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга ошириш учун шароитлар яратиш, уни қайта ишлаш ва чиқиндиларни утилизация қилишни ташкил этиш;

атом энергетикасини узоқ муддатли ривожлантиришни таъминлаш, шу жумладан, атом илм-фани ва технологияларини ривожлантириш, АЭС қурилиши ва уни эксплуатация қилишни қўллаб-қувватлаш учун мамлакатимиз ташкилотлари томонидан лойиҳа, конструкторлик, экологик ва бошқа билим ва тажрибани эгаллашни, келажакдаги АЭСлар референт технологияларини танлаш учун ядро технологиялари тенденцияларини ўрганиш;

б) қуйидаги тадбирларни бажаришни ўз ичига олган 2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

ядро хавфсизлиги соҳасидаги халқаро конвенцияларга қўшилиш ёки уларнинг қоидаларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, шунингдек атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

майдончани танлаш ва АЭСни жойлаштиришни лицензиялаш, АЭС ва унинг ташқи инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш;

атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва радиация ҳимояси, шу жумладан ишлатиб бўлинган ядро ёқилғисини олиб чиқиш ва сақлаш, шунингдек янги ва ишлатиб бўлинган ядро ёқилғиси билан ишлаш;

атом илм-фани ва технологияларини, шу жумладан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун нознергетик ядро технологияларини, ядро тиббиёти ва радиокимёни ривожлантириш;

Концепцияда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилишини мониторинг ва назорат қилиш.

3. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарлари зиммасига — «Йўл харитаси»да назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштириш, шунингдек унинг бажарилишини ҳар чоракда танқидий муҳокама қилишни ташкил этиш;

вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига — мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни), шу жумладан хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажариш;

илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари раҳбарлари зиммасига — «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирлар доирасида фундаментал ва амалий фанни ривожлантиришни, шунингдек атом энергетикаси учун малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик белгилансин.

4. Энергетика вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фан-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лар академияси, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан бирга-ликда икки ой муддатда, аниқ муддатлар ва масъул ижрочиларни кўрсатган ҳолда, 2019 — 2021 йилларда қабул қилиниши керак бўлган ва Концепцияни амалга оширишга йўналтирилган биринчи навбатдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш режасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги оммавий ахборот воситаларида тасдиқланган Концепциянинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар ҳамда мавзуга оид кўрсатувларни мунтазам ташкил этсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 февраль,
ПҚ-4165-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

108 Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича Тошкент давлат юри-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 февралда эълон қилинган.

дик университетининг Ихтисослаштирилган филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

юриспруденция соҳасида базавий ва амалий касбий тайёргарликни таъминлашга қаратилган ўқув режалари ва дастурлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

назарий тайёргарликнинг ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлашга қаратилган замонавий шакл ва усуллар, ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини таълим беришнинг модуль тизими асосида ташкил этиш;

таълим олувчиларнинг психологик тайёргарлиги, ҳуқуқий, сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

таълим олувчиларнинг аҳоли ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш кўникмаларини такомиллаштириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини услубий ва консультатив таъминлаш;

юрidik кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий мамлакатлардаги муассасалар билан ўзаро самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилаб қуйилсинки:

Филиал Тошкент давлат юридик университетининг таркибий бўлинмаси — юридик шахс мақомига эга олий таълим муассасаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳри ва бланklarига, мустақил балансига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ҳисобрақамларга эга бўлади;

Филиалга Ўзбекистон Республикаси адлия вазири тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимида тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Филиал директори меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосарига, директор ўринбосарлари эса — Тошкент давлат юридик университети проректорларига тенглаштирилади.

4. Қуйидагилар:

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали тузилмаси 1-иловага*;

Тошкент давлат юридик университети Ихтисослаштирилган филиалининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Филиал директорига Тошкент давлат юридик университети ректори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда Филиал тузилмасига ходимларнинг белгиланган штат бирликлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Белгилансинки:

Филиалда «хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» соҳа мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш кундузги таълим шаклида бакалавриятнинг махсус уч йиллик дастури бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда «хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш» мутахассислиги бўйича олий ноюрidik маълумотга эга бўлган кадрларни қайта тайёрлаш кундузги таълим шаклида махсус олти ойлик дастур бўйича белгиланган намунадаги диплом берилган ҳолда амалга оширилади;

Филиалда ўқитиш давлат грантлари асосида амалга оширилади;

Филиал бакалавриятига қабул квотаси йилига 255 кишини, кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича эса — ҳар олти ойда 50 кишини ташкил этади;

Адлия вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг буюртмаларига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Филиалга қабул квоталарини кўпайтириш ёки камайитириш ҳуқуқи берилади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиясига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан алоҳида шахсларни юридик кадрларни тайёрлаш дастурлари бўйича белгиланган квоталар (давлат грантлари)дан ташқари Филиалда ўқитиш учун тўловни амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

Филиал дипломининг мавжудлиги ички ишлар органларига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида махсус касбий тайёргарликни ўтмасдан, «лейтенант» махсус унвони берилган ҳолда хизматга қабул қилиш учун асос бўлади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

бакалаврият дастури бўйича Филиалга қабул танлов асосида амалга оширилади;

Филиалга қайта тайёрлаш дастури бўйича ўқишга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ва Миллий гвардия қўмондони тавсиялари асосида олий ноюрidik маълумотга эга бўлган амалдаги ходимлар ва ҳарбий хизматчилар белгиланган тартибда эгаллаб турган лавозими ва пул таъминоти сақлаб қолинган ҳолда қабул қилинади;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга муносиб ҳисса қўшган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларига ўрнатилган қабул квоталари доирасида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан белгиланадиган алоҳида квоталар бўйича Филиалга ўқишга кириш учун танловда иштирок этиш ҳуқуқини тақдим этадиган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиқларининг тавсиялари берилиши мумкин;

Филиалда ўқишни тамомлаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент

вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида камида 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини оладилар;

Филиал суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, шунингдек, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар мутахассислари ва бошқа мутахассисларни ўриндошлик тартибда ёки меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида педагогик фаолиятни амалга оширишга жалб этиш ҳуқуқига эга;

Тошкент давлат юридик университети фаолиятини тартибга солувчи нормалар, агар қонунчилик ёки университет қарорлари билан бошқа қоидалар назарда тутилмаган бўлса, Филиал фаолиятига ҳам татбиқ этилади.

7. Филиалнинг Васийлик кенгаши 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Белгилансинки, Васийлик кенгаши Филиалнинг ҳар томонлама ривожланишига қўмаклашади, жумладан:

манфаатдор вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириш учун Филиалнинг молиялаштирилишини таъминлайди;

Филиалнинг педагог ва бошқа ходимларининг меҳнат шароитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича чораларни кўради;

олий юридик таълимнинг ривожланишига қўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни, илмий ишланмалар натижаларини қонун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этишда қўллаб-қувватлашни амалга оширади;

ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шериклик келишувлари тузилиши ва уларни рўёбга чиқаришда мувофиқлаштиришни амалга оширади;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ривожланишига қўмаклашади.

8. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Филиалда таълим олиш учун тўланган маблағлар;

бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари;

халқаро молия институти грантлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал таъминоти учун бюджет маблағлари 2019 йилда Адлия вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил ижтимоий соҳа учун тасдиқланган кўрсаткичлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг харажатлари параметрларида назарда тутилади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларидан ишга қабул қилинган Филиал ходимларига олдинги иш жойидаги барча устама ва қўшимча тўловлар, тиббий хизмат кўрсатишнинг имтиёз ва шартлари уларни те-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гишли органнинг амалдаги кадрлар захирасига қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказган ҳолда сақлаб қолинади;

Филиалнинг ходимларига Тошкент давлат юридик университетининг тегишли лавозимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари татбиқ этилади;

Филиал ходимларига мартаба даражалари ва узоқ йиллик хизмати учун устама ва қўшимча тўловлар тўлаш бўйича харажатларни бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларининг мартаба даражалари қонунчиликда белгиланган тартибда берилади;

ўз хизмат вазифаларини виждонан ва самарали бажарган Филиал ходимларига директор буйруғи асосида Васийлик кенгаши билан келишган ҳолда тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамалар белгиланиши мумкин;

Филиал ходимларига тариф ставкасининг 200 фоизигача бўлган миқдорда ҳар ойлик шахсий устамаларни тўлаш учун маблағлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалардан ажратилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг Филиални беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қулоқтепа кўчаси, 9-уйда жойлашган бино ва иншоотларида жойлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар ҳудудларнинг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда Тошкент давлат юридик университетининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш юзасидан таклифларни киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва Миллий гвардияси билан биргаликда икки ой муддатда Жиззах политехника институти негизида мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Жиззах вилояти ички ишлар органларининг олий ноюрidik маълумотга эга бўлган ходимларини қайта тайёрлаш сайёр курсларини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияси билан биргаликда Тошкент шаҳар ҳокимияти кўмагида икки ой муддатда чет эл ўқув марказлари ва таълим муассасаларига танишув сафарларини ташкил этишни назарда тутган ҳолда пойтахт ҳудудининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги илғор хорижий тажрибанинг ўрганилишини таъминласин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокими белгиланган тартибда Филиал бино ва иншоотларининг замонавий талаблар асосида реконструкция қилинишини ҳамда юклатилган вазифаларнинг ўзига хос жиҳатлари ва таълим олувчиларнинг яшашини инобатга олган ҳолда унинг ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория ва криминалистик ускуналар, компьютер техникаси ва бошқа моддий-техника воситалари билан жиҳозланишини таъминласин.

13. Филиалга иккита енгил, шу жумладан битта шахсан бириктирилган автотранспорт воситаси таъминоти учун лимит белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 февраль,
ПҚ-4166-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

109 Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган шароитларни яратиш, интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатдики, интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича ишларнинг лозим даража-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 февралда эълон қилинган.

да бажарилмаганлиги, давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг самарасизлиги, идоралараро мустақкам ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, интеллектуал мулк соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, шунингдек патент божлари ва тўловларининг юқори даражада эканлиги ушбу соҳани ривожлантиришга салбий таъсир этмоқда.

Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва ушбу соҳадаги умум эътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

Белгилансинки:

Агентлик, шу жумладан Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази мавжуд штат бирликлари ва моддий-техник базаси билан тўлиқ ҳажмда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Агентликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари — директор бошчилик қилади;

Агентлик директорининг ўринбосарлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

3. 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номи рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар топширилгандан сўнг, Агентлик бир иш куни мобайнида ушбу талабномалар ҳақидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради;

ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар, сотувчилар ёки уларнинг вакиллари талабномалар эълон қилингандан сўнг Агентликка рўйхатдан ўтказиш учун ноҳалол топширилган аризалар ҳақидаги ёзма эътирозларини тақдим этишлари мумкин;

товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига доир мутлақ ҳуқуқ, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи (кейинги ўринларда — товар белгиси) ўша куннинг ўзида товар белгиси ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг расмий веб-сайтида мажбурий тарзда жойлаштирган ҳолда Товар белгилари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб вужудга келади;

товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сўнгги уч йил мобайнида узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек, жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул қилинган суд қарори асосида муддатидан аввал тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этиладиган талабномаларни фақат электрон шаклда давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламентлар лойиҳаларини киритсин.

5. Интеллектуал мулкнинг самарали химоясини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб патент вакиллари ҳар беш йилда камида бир марта кейинчалик аттестациядан ўтказилган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида ўз малакаларини оширишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда илғор таълим стандартлари ва технологиялари ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг ўқув ва илмий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда интеллектуал мулк соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги ПФ–5446-сон «Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига «хуфиёна иқтисодиёт» шаклланиши ҳолатларини аниқлаш, яширин ишлаб чиқариш, контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш фаолиятига чек қўйиш функциялари юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда:

2019 йил 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ҳаммага маълум товар белгиларининг ноҳалол рўйхатдан ўтказили-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шини аниқлаш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган барча товар белгиларини тўлиқ хатловдан ўтказсин ва қонун талаблари бузилган ҳолда берилган товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш чораларини кўрсин;

интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўрсин.

8. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар қуйидагиларни таъминловчи интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

ҳуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш;

интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганда уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва чиқариш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда интеллектуал мулкнинг ишончли ҳуқуқий ҳимоясини, шу жумладан Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш халқаро индекси мезонларини инобатга олган ҳолда таъминлашнинг замонавий баҳолаш ва таҳлил қилиш тизимини жорий этиш бўйича Комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2020 йил 1 январдан бошлаб интеллектуал мулк соҳасидаги интеграция жараёнини инобатга олган ҳолда патент божлари ва тўловларини, шунингдек норезидентлардан товар белгиси ва саноат намунасининг ҳуқуқий муҳофазасини бериш учун ундириладиган индивидуал бож ставкаларини босқичма-босқич камайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Агентликнинг фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш, шу жумладан унинг ходимларини моддий рағбатлантириш бўйича таклифлар киритсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, шунингдек ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

каснинг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 февраль,
ПҚ-4168-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ****110 Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ–5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони-га мувофиқ **буюраман:**

1. Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 28 декабрь,
29-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2018 йил 28 декабрдаги 29-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра
мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг
рейтинг тизими тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлат мактабгача таълим муассасаларининг жисмоний тарбия инструкторлари, умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари, кафедра мудирларининг (бундан буён матнда педагог кадрлар деб юритилади) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлиги рейтинг тизими орқали ҳар 5 йилда бир марта баҳоланади.

2. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад педагог кадрларнинг ўқув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, иш фаолияти самарадорлигини аниқлаш, таълим сифатини яхшилаш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, ўқувчиларнинг (талабалар) фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

3. Ишга янги қабул қилинган педагог кадрлар ишга қабул қилинганидан кейин 1 йилдан сўнг, олий таълим муассасалари ёки касб-хунар коллежларини битириб биринчи бор ишга кирганлар касбий фаолиятига 3 йил тўлгандан сўнг педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга жалб этилади.

4. Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси расмийлаштирилган ҳолда узоқ муддат (уч ойдан ортиқ) даволанаётган, хомиладорлик, туғиш ҳамда болани парваришлаш таътилидаги педагог кадрлар иш фаолиятига қайтганларига 1 йил тўлгандан сўнг педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга жалб этилади.

5. Педагог кадрнинг фаолияти самарадорлигининг аниқланган рейтинги педагог кадр бир таълим муассасасидан бошқасига ишга ўтганда сақланади.

2-боб. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ишларини ташкил қилиш

6. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари (бундан буён матнда ҳудудий бошқармалар деб юритилади) бошлиқларининг буйруғи билан давлат мактабгача, умумий ўрта, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари (бундан буён матнда тегишли таълим муассасалари деб юритилади) билан келишилган ҳолда камида 9 кишидан иборат баҳолаш комиссиялари (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия таркиби қуйидаги тартибда шакллантирилади:

комиссия раиси — тегишли ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари;

комиссия аъзолари — давлат мактабгача таълим, халқ таълими, касб-ҳунар таълими, академик лицей, олий таълим муассасаси, спорт федерацияларининг ҳудудий бўлимлари (ҳудудда ривожланган спорт тури бўйича) раҳбар ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилари;

комиссия котиби — тегишли ҳудудий бошқарма масъул ходими.

Комиссия таркиби ҳар 5 йилда бир марта янгиланади.

7. Комиссия раиси:

комиссия ишини ташкил этади;

комиссия аъзоларининг вазифаларини белгилайди;

комиссия фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

Комиссия раиси мазкур Низомда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

8. Комиссия раиси педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг адолатли, ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилиши ҳамда натижаларнинг ҳолислиги учун жавобгар бўлади.

9. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашдан ўтувчи педагог кадрларнинг комиссия таркибига киритилиши ман этилади.

10. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ва таълим мазмунига қўйилган Давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга йўналтирилган бошқа қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

11. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш муддати, баҳолаш шартлари ва тартиби комиссия томонидан бир ой олдин эълон қилинади.

12. Комиссияга педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашга доир ҳужжатларни ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри тақдим этилишини таъминлаш мақсадида тегишли таълим муассасаларида таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи билан шакллантириладиган эксперт гуруҳи тузилади.

13. Эксперт гуруҳи камида 5 кишидан иборат қуйидаги таркибда тузилади:

эксперт гуруҳи раиси — тегишли таълим муассасаси раҳбари;

эксперт гуруҳи аъзолари — педагогик кенгаш қарори билан тасдиқланган камида 2 нафар педагог, касаба уюшмаси раиси;

эксперт гуруҳи котиби — тегишли таълим муассасалари раҳбарининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

14. Педагог кадр томонидан эксперт гуруҳига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

педагог кадрнинг паспорт нусхаси;

педагог кадрнинг таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;

педагог кадрнинг илмий даража ёки илмий унвон олганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (агар мавжуд бўлса);

педагог кадрнинг малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат нусхаси (агар мавжуд бўлса).

15. Эксперт гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида педагог кадрнинг ҳужжатлар йиғмажилди тайёрланиб, комиссияга тақдим этилади.

Ҳужжатлар йиғмажилдида педагог кадрнинг паспорт ва таълим олганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, малака оширганлиги тўғрисидаги сертификат нусхаси, педагог кадрнинг ўқув йили давомида ўтган дарс ва очик дарслари, педагог кадр ўқувчиларининг (талабалар) фанларни ўзлаштириш рейтинги ва эришган ютуқлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи маълумотнома мавжуд бўлиши талаб этилади. Бунда маълумотнома эксперт гуруҳи эксперт гуруҳи раиси ва аъзолари томонидан имзоланган ҳолда комиссияга тақдим этилади.

16. Эксперт гуруҳи томонидан ҳужжатлар комиссияга электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

3-боб. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш

17. Комиссия томонидан педагог кадрнинг ўқув фани бўйича малакаси, дарс ўтиш маҳорати, иш фаолияти самарадорлигини, жисмоний тарбия соҳасидаги техника хавфсизлиги қоидаларини билиш даражасини аниқлаш мақсадида у билан бевосита суҳбат ўтказилади.

Суҳбат жараёни видеотасвирга олинади, берилган саволлар ва жавоблар махсус (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) дафтарда қайд этилади.

18. Суҳбат натижалари асосида давлат мактабгача таълим муассасаси педагог кадрининг фаолияти самарадорлиги мазкур Низомнинг 1-иловасидаги* мезонлар асосида, умумий ўрта таълим муассасаси педагог кадрининг фаолияти самарадорлиги мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* мезонлар асосида, академик лицей ва касб-хунар коллежи педагог кадрининг фаолияти самарадорлиги мазкур Низомнинг 3-иловасидаги* мезонлар асосида, олий таълим муассасаси педагог кадрининг фаолияти самарадорлиги мазкур Низомнинг 4-иловасидаги* мезонлар асосида баҳоланади.

19. Педагог кадрлар фаолияти самарадорлиги комиссия томонидан қуйи-

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

даги баллар йиғиндиси асосида 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади:

- 86 — 100 балл — фаолият самарадорлиги юкори;
- 71 — 85 балл — фаолият самарадорлиги ўрта;
- 56 — 70 балл — фаолият самарадорлиги коникарли;
- 0 — 55 балл — фаолият самарадорлиги коникарсиз.

20. Комиссия педагог кадрнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда қарор қабул қилади.

Комиссия қарори, агар овоз беришда комиссия таркибидаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қарордан нусха педагог кадрнинг иш жойидаги шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида сақланади.

21. Комиссия педагог кадрнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларини 3 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига юбориши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан педагог кадрнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш рейтингининг электрон базаси юритилади.

22. Комиссия қароридан норози бўлган педагог кадр баҳолаш натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 3 кун ичида ҳудудий бошқармалар бошлиқларининг буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига ёки судга ёзма равишда шикоят бериш ҳуқуқига эга.

23. Апелляция комиссияси таркибига баҳолаш комиссияси фаолиятида иштирок этмаган ҳудудий бошқармалар ходимлари орасидан комиссия раиси ва камида 3 нафар аъзо киритилади.

24. Педагог кадрнинг апелляция шикоятини кўриб чиқишда педагог кадр иштирок этиш ҳуқуқига эга.

25. Апелляция комиссияси 24 соат ичида апелляция шикоятларини кўриб чиқади. Бунда апелляция комиссияси педагог кадрнинг суҳбат натижалари ёзилган видеотасвирларни қайта текшириш орқали баҳолаш комиссияси томонидан қўйилган баллнинг тўғрилигига баҳо беради ва унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда педагог кадрнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш масаласи кўрсатилади.

Қарор 24 соат ичида педагог кадрга ҳамда баҳолаш комиссиясига етказилиши лозим.

4-боб. Якуний қоидалар

26. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

27. Мазкур Низом Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазир-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси билан келишилган.

Мактабгача таълим вазири

А. ШИН

2018 йил 28 декабрь

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2018 йил 28 декабрь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2018 йил 28 декабрь

*Касб-хунар таълими
маркази директори*

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

2018 йил 28 декабрь

*Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Таълим сифатини
назорат қилиш давлат
инспекцияси бошлиғи*

У. ТАШКЕНБАЕВ

2018 йил 28 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

111 Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 670-сон «Дастурий махсулотлар ва ахборот махсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 25 ноябрдаги 61-мх, 17, 01-02/21-30, 330-В-сон қарори (рўйхат рақами 2549, 2014 йил 8 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
мх-186-сон

Ташқи савдо вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
1-п-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
01-02/15-79-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 январь,
330-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи
савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси
ва Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил
10 январдаги мх-186, 1-п, 01-02/15-79 ва
330-В-2-сон қарорига
ИЛОВА

**Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиси томонидан Интернет тармоғидаги онлайн дўконлар орқали 5 минг АҚШ долларигача бўлган дастурий таъминот воситаларини экспорт шартномасиз хорижий валютага сотиш, Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига маълумот киритмасдан амалга оширилади.

Дастурий таъминот воситаларининг экспорти 5 минг АҚШ долларидан ошган тақдирда, дастурий таъминот воситаларининг экспорт шартномаси бўйича маълумотлар электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали Ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимига киритилади.»

2. 7-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тушумларнинг тушиш муддатлари хорижий онлайн-савдо майдончаси қоидаларига мувофиқ белгиланади.»

3. 8-банддаги «ваколатли» деган сўз «тижорат» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

112 Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

3. Мазкур қарор 2019 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Раис

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 декабрь,
2018-79-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил
29 декабрдаги 2018-79-сон қарорига
ИЛОВА

**Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон
расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг
вақтинчалик тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 807-сон «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон ҳисобварақ-фактура (бундан буён матнда ЭҲФ деб юритилади) — товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш ва сотиб олиш фактини тасдиқлайдиган, электрон ҳужжат айланиши тизими орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат;

электрон товар-транспорт юкхати (бундан буён матнда ЭТТЮ деб юритилади) — транспорт жараёнининг қатнашчилари учун ягона бўлган, товар-моддий бойликларни ҳисобдан чиқаришга, уларни йўлда ҳисобга олишга, кирим қилишга, омбор, тезкор ва бухгалтерия ҳисоби учун, шунингдек юк ташилганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш ва бажарилган ишнинг ҳисобини юритиш учун мўлжалланган, электрон ҳужжат айланиши тизими орқали тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган электрон ҳужжат;

электрон ишончнома — ҳўжалик юритувчи субъект томонидан етказиб берувчилардан товар-моддий бойликларни олиш учун ишончли шахсга берилган ва ҳўжалик юритувчи субъектнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган электрон ҳужжат;

электрон ҳужжат идентификатори — электрон ҳужжатни масофадан идентификация қилиш имконини берувчи оператор тизими ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда белгиланадиган электрон ҳужжатнинг уникал рақами;

юкни жўнатувчи — юк эгасининг номидан иш кўрувчи ёки ташиш шартномаси бўйича юкнинг эгаси ҳисобланувчи ЭТТЮда жўнатувчи сифатида кўрсатилган шахс;

юкни олувчи — юкни олишга ваколат берилган ва ЭТТЮда кўрсатилган шахс;

юкни ташувчи — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юкларни транспорт воситаси ёрдамида ташиш хизматларини кўрсатувчи (юк ташишни амалга оширувчи) шахс;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ахборот тизими (бундан буён матнда ДСҚ АТ деб юритилади) — электрон ҳужжатларни марказлаштирилган ҳолда сақлаш, ҳисобини юритиш, қайта ишлаш ва узатиш тизими;

QR-код — яқунланган электрон ҳужжатга бириктириладиган ва ҳужжатни қоғоз шаклида чоп этилганда кўрсатиладиган махсус график коди. QR-код тегишли мобил иловалар ва дастурий маҳсуллар орқали ўқиш (сканерлаш) вақтида электрон ҳужжат ҳақидаги маълумотлар аниқланади.

2. Мазкур Низом топшириқ шартномалари бўйича амалга ошириладиган операцияларга, шунингдек авиа ва темир йўл транспорти орқали товарларни етказиб бериш (ташиш)ни назарда тутувчи хўжалик шартномаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Электрон ҳужжат айланиши Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг эксперт хулосасини олган ташкилотлар — электрон ҳужжат алмашиш операторлари ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг интерактив давлат хизматлари (бундан буён матнда оператор деб юритилади) орқали амалга оширилади.

4. Электрон ҳужжатларни юбориш ва қабул қилишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳар бир электрон ҳужжат учун электрон ҳужжат айланиши алоҳида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар турли хил операторларнинг ахборот тизимларидан фойдаланганида операторлар ўртасидаги электрон ҳужжат айланиши ДСҚ АТ орқали амалга оширилади.

5. Оператор электрон ҳужжатларга хизмат кўрсатувчи дастурий-аппарат мажмуасининг узлуксиз фаолиятини таъминлайди ҳамда хўжалик юритувчи субъектларга ўзининг ахборот тизимидан доимий фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

6. Операторлар ўзларининг ахборот тизимларини ўзаро интеграциясини таъминлашлари шарт.

2-боб. ЭХФларни тақдим этиш ва қабул қилиш

7. Етказиб берувчи ЭХФни сотиб олувчига тақдим этишда ЭХФни мазкур Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган шаклда расмийлаштиради ҳамда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган ҳолда юборади.

ЭХФ санаси ва идентификатори автоматик тарзда шаклланади ва электрон ҳужжатга QR-коди бириктирилади. ЭХФнинг тартиб рақами автома-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тик тарзда операторнинг ахборот тизими томонидан шакллантирилади ёки етказиб берувчи томонидан киритилади.

8. Етказиб берувчи томонидан тасдиқланган ЭХФ етказиб берувчининг оператори томонидан сотиб олувчига юборилади ва операторнинг ахборот тизими электрон ҳужжатга «етказилган» мақомини бириктиради.

9. Сотиб олувчи келиб тушган ЭХФ билан танишиб чиққанидан сўнг, уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ёки ушбу ЭХФни сабабини кўрсатган ҳолда рад этади.

Сотиб олувчининг ишончли вакили етказиб берувчидан товарларни қабул қилиб олиши талаб этилса, сотиб олувчи электрон ишончномани мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштиради ва етказиб берувчига юборади. Томонлар электрон ишончномани операторнинг ахборот тизими орқали юборади ва қабул қилиб олади.

Етказиб берувчи қабул қилинган электрон ишончнома асосида ЭХФни шакллантиради.

10. Сотиб олувчи томонидан тасдиқланган ЭХФ операторнинг ахборот тизими орқали етказиб берувчига юборилади. Бунда электрон ҳужжат «етказилган» мақомидан «тасдиқланган» мақомига ўзгаради ва ЭХФ икки томонлама тасдиқланган ҳисобланади.

11. Сотиб олувчи ЭХФни тасдиқлашни рад этганда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Бунда электрон ҳужжат «етказилган» мақомидан «рад этилган» мақомига ўзгаради.

12. Олдин шакллантирилган ЭХФга тузатиш киритиш зарурати пайдо бўлган тақдирда, қўшимча ЭХФ шакллантириш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай ҳолларда қайта шакллантирилган ЭХФнинг рекузитларида ўзгартириш киритилаётган олдин шакллантирилган ЭХФнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

13. Товарларни (ишларни, хизматларни) жисмоний шахсга реализация қилишда, етказиб берувчи ЭХФ шакллантириб, ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. ЭХФнинг санаси автоматик тарзда шаклланади, электрон ҳужжатга QR-коди бириктирилади ва «тасдиқланган» мақоми берилади.

ЭХФ шакллангандан сўнг, етказиб берувчи уни қоғоз шаклида чоп этиб жисмоний шахсга тақдим этади.

3-боб. ЭТТЮни тақдим этиш ва қабул қилиш

14. Товар-моддий бойликларни транспортда ташиш эҳтиёжи пайдо бўлганда, юкни жўнатувчи у бошқа ташкилотнинг транспорт хизматларини буюртмачиси ҳисобланишидан, шунингдек юк ташиш юкни жўнатувчи ёки юкни олувчига тегишли бўлган транспорт воситаси орқали амалга оширилишидан қатъий назар, мазкур Низомнинг 3-иловасида* келтирилган шаклда ЭТТЮни расмийлаштиради.

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. ЭТТЮ санаси автоматик тарзда шаклланади ва электрон ҳужжатга QR-коди бириктирилади. ЭТТЮнинг тартиб рақами автоматик тарзда операторнинг ахборот тизими томонидан шакллантирилади ёки юк жўнатувчи томонидан киритилади.

ЭТТЮ шакллангандан сўнг, юкни жўнатувчи электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ва операторнинг ахборот тизими орқали юкни ташувчи ва юкни олувчига юборилади ҳамда тизим электрон ҳужжатга «етказилган» мақомини бириктиради.

Агар юкни жўнатувчи ва юкни олувчи бир хўжалик юритувчи субъект бўлса, юк жўнатувчи томонидан тасдиқланган ЭТТЮ фақат юкни ташувчига юборилади.

Агар юкни жўнатувчи, юкни ташувчи ва юкни олувчи бир хўжалик юритувчи субъект бўлса, юкни жўнатувчи томонидан тасдиқланган ЭТТЮ ҳеч кимга жўнатилмайдиган ва ҳужжатга «юкни ташувчи томонидан тасдиқланган» ва «юкни олувчи томонидан тасдиқланган» мақоми берилади.

16. Юкни ташувчи қабул қилинган ЭТТЮ билан танишиб чиққанидан сўнг, уни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ёки сабабини кўрсатган ҳолда тасдиқлашни рад этади.

17. Юкни ташувчи ЭТТЮни тасдиқлаган тақдирда ЭТТЮга «етказилган» мақомидан «юкни ташувчи томонидан тасдиқланган» мақомига ўзгаради.

18. Юк белгиланган манзилга етказилиб, уни топшириш-қабул қилиш амалга оширилганидан сўнг, юкни олувчи ЭТТЮни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди ёки уни тасдиқлашни сабабини кўрсатган ҳолда рад этади.

19. Юкни олувчи ЭТТЮни тасдиқлаган тақдирда ЭТТЮга «юкни олувчи томонидан тасдиқланган» мақоми берилади.

20. Юкни ташувчи ёки юкни олувчи ЭХФни тасдиқлашни рад этганда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди. Агар юкни ташувчи ёки юкни олувчидан биттаси ЭТТЮни тасдиқлашни рад этган бўлса ЭТТЮ «етказилган» мақомидан «рад этилган» мақомига ўзгаради.

21. Олдин шакллантирилган ЭТТЮга тузатиш киритиш зарурати пайдо бўлганда, қўшимча ЭТТЮни шакллантириш мазкур бобда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундай ҳолатда ЭТТЮнинг реквизитларида ўзгартириш киритилаётган олдин шакллантирилган ЭТТЮнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

4-боб. Электрон ҳужжатларни сақлаш ва ҳисобини юритиш

22. Оператор тасдиқланган электрон ҳужжатларни ўзларининг базаларида камида беш йил давомида сақлайди ва ҳисобини юритади.

23. Тасдиқланган электрон ҳужжатларни кейинчалик сақланишини таъминлаш, архив иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

24. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

25. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2018 йил 29 декабрь

*Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири*

Ш. САДИКОВ

2018 йил 29 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2018 йил 29 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 2 февралдан 8 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 28 декабрдаги 29-мҳ-сон «Жисмоний тарбия ўқитувчилари (инструктор, кафедра мудирлари) фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3135.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 10 январдаги мҳ-186, 1-п, 01-02/15-79, 330-В-2-сон «Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 4 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2549-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 29 декабрдаги 2018-79-сон «Электрон ҳисобварақ-фактураларни электрон расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3136.